

ISSN 2181-9521

№ 2-son, 2022



# ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL





## Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ҚАРОРИ**

**2022 йил 29 январда имзоланган “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қароридан**

### **К ў ч и р м а:**

Маъмурий судларнинг **биринчи навбатдаги вазифаси** фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатларида қонун устуворлигини таъминлаш билан бир қаторда **улар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш** ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин.

Олий суд, Судьялар олий кенгаши ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **давлат органлари қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқишда маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳақиқий ҳимоячисига** айлантиришга қаратилган куйидаги тартибларни процессуал қонун ҳужжатларида белгиланишини таъминласин:

маъмурий суд ишларини юритишни **“суднинг фаол иштироки”** тамойили асосида амалга ошириш, бунда маъмурий судларга ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш учун ўз ташаббуси билан далилларни йиғиш маж-

буриятини юклаш, ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига эса **далилларни йиғишда фақат ўз имконияти доирасида иштирок этишга** шароит яратиш;

ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига оммавий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низо билан бирга унга сабабий боғланишда бўлган **зарарни ундириш талабини ҳам маъмурий судга билдириш ҳуқуқини** тақдим этиш ҳамда бундай талабларни кўриб чиқишни маъмурий судлар ваколатига ўтказиш;

маъмурий судларнинг оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан ижро қилинмаган тақдирда, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан **суд жарималарини қўллаш**;

оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича тарафлар ўртасида **ярашувга эришиш** механизмларини жорий қилиш.



# ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРДА “СУДНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКИ”

**Қонун асосида бошқариладиган замонавий демократик мамлакатларда давлат бошқаруви органлари, мансабдор шахслар билан фуқаролар ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий низоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилади.**

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида адолатли мувозанат тизimini яратиш, давлат тузилмалари билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларда қонун устуворлигини таъминлашнинг оқилона механизмларини жорий этиш мақсадида маъмурий судлар ташкил этилди. Мамлакатимизда 2017 йил 1 июндан бошлаб оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари фаолият юритмоқда. Маъмурий судлар амалиётида вужудга келган мансабдор шахслар томонидан чиқарилган баъзи бир қарорларнинг бекор қилиниши маъмурий органлар мутасаддиларининг қарор қабул қилишда фақат қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилишга нисбатан масъулиятини янада оширишга хизмат қилмоқда. Шубҳасиз, кун сайин ўзгариб бораётган тезкор ҳаёт динамикасининг талаб ва эҳтиёжлари, маъмурий судлар фаолиятини ҳам миллий ва илғор хорижий тажрибани инobatга олган ҳолда такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йил 29 январда имзоланган “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда маъмурий суд ишларини юритишни такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Ушбу қарорнинг амалий аҳамияти ҳақида фикр юритганда алоҳида таъкидлаш жоизки, маъмурий суд ишларини юритишни “суднинг фаол иштироки” тамойили асосида амалга ошириш вазифаси белгиланди. Бу нимани англатади? – деган табиий савол туғилади. Гап шундаки, мамлакатимиздаги маъмурий судларнинг асосий вазифаси бўлган – маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари



ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнида “суднинг фаол иштироки” сезиларли даражада ортиши керак. Бу маъмурий суд судьяларининг саъй-ҳаракати билангина амалга оширилади. Шундан келиб чиққан ҳолда ёндашадиган бўлсак, биринчи навбатда маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашишга масъул бўлган маъмурий судлар судьяларига алоҳида масъулият юклайди. Бунинг учун биринчидан, судьядан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ишларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал этишда фақат маъмурий суд ишларини юритишни амалга ошириш тартибига, хусусан қонунийлик ва тенглик принципига қатъий риоя этиши талаб этилади. Иккинчидан, ўзи кўриб чиқаётган маъмурий суд ишининг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш учун ўз ташаббуси билан далилларни йиғиш борасидаги масъулигини янада ошириши лозим. Бунда маъмурий ишда иштирок этувчи шахслар ва маъмурий суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари томонидан судга тақдим этилган ёки суд томонидан талаб қилиб олинган ҳужжатлар қонунийлигига жиддий эътибор қаратиши шарт.

Хулоса қилиб айтганда, қарорда назарда тутилган “суднинг фаол иштироки” фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда судларнинг, айниқса, маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айлантиришга муҳим омил бўлади.

**Анвар УСМОНОВ,**  
Тошкент шаҳар  
суди судьяси

## “ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

**Муассис:** Ўзбекистон Республикаси Судьялар  
олий кенгаши ҳузуридаги  
Судьялар олий мактаби

### Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши,  
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

### ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ  
Убайдулла МИНГБОВЕВ  
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ  
Дилшод АРИПОВ  
Комил СИНДАРОВ  
Илҳом НАСРИЕВ  
Малика ҚАЛАНДАРОВА  
Бехзод МЎМИНОВ  
Собир ХОЛБАЕВ  
Шерзод ЮЛДАШЕВ

### Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОВОВ

### Навбатчи муҳаррир

Шаҳбоз САИДОВ

### Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация  
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-  
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар  
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-  
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий  
нашрлар рўйхатига киритилган.

**Манзил:** 100097, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй  
**Электрон манзил:**  
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва  
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда  
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

**Обуна индекси:** 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан  
фойдаланилганда, манба қайд этилиши керак.

Босишга 25.02.2022 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табак  
Буюртма № 12 Адади 2700  
Баҳоси келишилган нархда

“ТИПОГРАФИЯ POLIAR” МЧЖ

босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: 100057, Тошкент  
шаҳри, Юнусобод тумани, Ифтихор кучаси,  
117-уй, 19-хонадон

# МУНДАРИЖА

МУНОСАБАТ

6

ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА МАЪМУРИЙ  
СУДЛАРНИНГ ЎРНИ

7

ҚАРОР – МАЪМУРИЙ СУДЛАРНИНГ РОЛИНИ  
КУЧАЙТИРИШГА АСОС БЎЛАДИ

8

МАЪМУРИЙ СУДЛАР ФУҚАРО ВА  
ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ  
ҲИМОЯЧИСИ БЎЛИШИ ЗАРУР

9

МАЪМУРИЙ НИЗОЛАРНИНГ СУДЛОВГА  
ТААЛЛУҚЛИК МУАММОЛАРИ:  
ҲАРБИЙ СУДЛАР МИСОЛИДА

МУҲИМ МАВЗУ

10

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА  
ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ЎРНИ

12

ЯНГИ БОСҚИЧ

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ – ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

ЭЪТИРОФ

14

МУТОЛААДАН СЎНГ:  
“ЎЗИНГИЗНИ ИСЛОҲ ҚИЛИНГ...”

15

ИБРАТ

ЁҒ ВА ПИЛИК

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

16

СИНГАПУР РЕСПУБЛИКАСИ СУД ТИЗИМИ

19

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

ЙЎЛ ҚОИДАСИ – УМР ФОЙДАСИ  
МАЪМУРИЙ СУДЛАР ҚАРОРЛАРИНИ  
ИЖРО ЭТМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК  
КУЧАЙТИРИЛАДИ



20

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИГА ОИД ХАЛҚАРО  
МЕЪЁРЛАРНИНГ ҚўЛЛАНИЛИШИ

СУДЬЯ МИНБАРИ

23

МЕРОС ҲУҚУҚИ ВА ВОРИСЛИК  
АСОСЛАРИ

24

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ

ЖАМОАВИЙ ДАЪВО ИШЛАРИ  
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШ-  
ТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

26

ДИАСПОРА ДИПЛОМАТИЯСИ

28

ЯНГИ АМАЛИЁТ

МАСОФАВИЙ МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ

МЕНИНГ ФИКРИМ

31

ҚУРИЛИШ ҚОИДАЛАРИГА  
РИОЯ ҚИЛМАСЛИК АҲОЛИ ВА  
ТАДБИРКОРЛАР НОРОЗИЛИГИНИНГ  
БОШ САБАБЧИСИ

32

ҚОНУН ВА АМАЛИЁТ

УЙ-ЖОЙГА ОИД НИЗОЛАР ВА  
УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЕЧИМИ

ДАВР КЎЗГУСИ

34

СУД АМАЛИЁТИДА  
ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ

35

МОЗИЙДАН САДО

СЎЗИДАН ФИҚҲ ЭЛИГА ЗЕБУ БАҲО

ТАДҚИҚОТ

36

АНГЛО-САКСОН ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА  
СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА  
ИШ ЮРИТИШ ШАКЛЛАРИ

ЭКСПЕРТ ФИКРИ

39

ЖИНОЯТНИ ОЧИШ ЖАРАЁНИДА  
ҲОДИСА ШОҲИДЛАРИНИНГ МАҚОМИ

42

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

МАЙДА БЕЗОРИЛИК: ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ  
ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ТЕМА ДНЯ

44

ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ ЭЛЕКТРОННОЙ КОМ-  
МЕРЦИИ И ЕЁ РАЗВИТИЕ В УЗБЕКИСТАНЕ

46

ПРОЦЕСС

ВНЕДРЕНИЕ ЦИФРОВОГО  
ПРАВА В УЗБЕКИСТАНЕ

ВАЖНАЯ ТЕМА

48

ОСОБЕННОСТИ ФОРМЫ И  
ПОРЯДКА СТРУКТУРЫ ДОГОВОРА  
ПОЛЬЗОВАНИЯ ПРИРОДНЫМ ГАЗОМ

52

РЕФОРМА

НЕЗАВИСИМОСТЬ СУДЕЙ КАК ПРЕДПО-  
СЫЛКА СПРАВЕДЛИВОГО И БЕСПРЕС-  
ТАННОГО ПРАВОСУДИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

INTERNATIONAL EXPERIENCE

55

INTERNATIONAL STANDARDS OF  
EVALUATION OF THE PERFORMANCE  
OF JUDGES

57

IMPORTANT TOPIC

ISSUES OF IMPROVING THE SYSTEM  
OF SELECTION, APPOINTMENT AND  
TRAINING OF JUDGES IN UZBEKISTAN:  
A COMPARATIVE LEGAL ANALYSIS

ANALYSIS

60

THE ROLE OF THE INTERNATIONAL  
DOCUMENTS IN THE COURTS OF THE  
REPUBLIC OF UZBEKISTAN

62

РЕКЛАМА ҲУҚУҚИ АСОСИДА

МИКРОКРЕДИТБАНК



**Аъзамжон  
ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
Сирдарё вилоят  
суди раиси

## ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА МАЪМУРИЙ СУДЛАРНИНГ ЎРНИ

*Мамлакатимизда 2017 йилда бошланган кенг кўламли маъмурий ислохотлар натижасида демократик тамойиллар асосида давлат бошқарувининг мутлақо янги, самарали ва сифатли фаолият юритувчи тизими шаклланиб бормоқда. Бу маъмурий органлар ва уларнинг мансабдор шахслари билан фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларда яққол намоён бўлади.*

**Биринчидан,** давлат бошқаруви органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ва сўровномаларини кўриб чиқиш механизми тубдан такомиллаштирилди.

**Иккинчидан,** давлат органлари фаолиятининг шаффофлиги таъминланиши баробарида уларнинг хизматларидан фойдаланиш имкониятлари соддалаштирилди ва кенгайтирилди.

**Учинчидан,** айрим ижро этувчи ҳокимият ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятининг тамойиллари ўзгартирилиб, замонавий талабларга жавоб бермайдиган институционал ва ҳуқуқий асослари кучайтирилди.

**Тўртинчидан,** давлат бошқаруви органлари фаолиятига замонавий инновацион иш услублари ҳамда илғор ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилиб, ортиқча бюрократик тўсиқлар олиб ташланди.

**Бешинчидан,** бу каби таъсирчан механизмларнинг ҳаётга татбиқ этилиши давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг уйғун фаолиятини ташкил этишга асос бўлди.

Президентимиз томонидан 2022 йил 29 январда имзоланган “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори маъмурий судлар фаолиятини янада демократлаштириш, одил судловни амалга оширишда жамоатчиликнинг судга нисбатан ишончини оширишда янги бир вазифаларни белгилаб берди.

Ушбу қарор бутун моҳият эътибори билан янги Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган давлат органлари қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқишда маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаролар ва тадбиркорлик

субъектларининг ҳақиқий ҳимоячисига айлантиришга хизмат қилади.

Давлат ва жамият ҳаётида маъмурий судларнинг ўрни ва ролини, унинг амалий аҳамиятини ошириш мақсадида маъмурий судларнинг оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан ижро қилинмаган тақдирда, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан суд жарималарини қўллаш, давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича ҳал қилув қарорининг такроран ижро қилинмаганлиги учун давлат органлари ёки ташкилотларининг мансабдор шахсларига нисбатан дастлаб қўлланилган суд жаримасини оширилган миқдорда қўллаш каби бир қатор янги институтлар жорий этилмоқда.

Маъмурий суд фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари фойдасига ҳал қилув қарори чиқарган бўлса-ю, унинг ижроси давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан бажарилмаса, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан суд жарималари қўлланилади. Бундай ҳолат такрорланса, қарор ижросини таъминлаш пайсалга солинса, биринчи марта қўлланилган суд жаримасининг оширилган миқдорда қўлланилиши назарда тутилмоқда.

Оммавий-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда иштирок этувчи томонларнинг бири давлат ҳокимияти субъекти бўлса, иккинчи томон фуқаро ёки тадбиркорлик субъекти бўлади. Бундай низоли муносабатларда иштирокчиларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тенг эмаслиги кўзга ташланади. Қарорда белгиланаётган янги тартиб бевосита фуқаро ёки тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ҳокимият ваколатига эга бўлган субъектлар томонидан бузилишига йўл қўйилмаслигига қаратилган.

Зеро, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг самарали ва шаффоф тизимини жорий этиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий моҳиятини ташкил қилади.







**Хайрулло  
АБДУЛЛАЕВ,**  
Ромитан  
туманлараро  
иқтисодий суди  
раиси

## ҚАРОР – МАЪМУРИЙ СУДЛАРНИНГ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШГА АСОС БЎЛАДИ



**Азизбек  
АСАДОВ,**  
Ғиждувон туман-  
лараро иқтисодий  
суди девонхона  
мудир

**Ўзбекистон Республикасида ҳокимият ва ҳўжа-  
лик бошқаруви органлари фаолияти самарадорлиги-  
ни ошириш, бугунги кун талабларига жавоб беради-  
ган ижро органларини шакллантиришга қаратилган  
маъмурий ислохотлар концепцияси қабул қилиниб,  
унда белгиланган вазифалар ҳаётга тизимли ра-  
вишда жорий этилмоқда.**

Хусусан, ижро этувчи ҳокимият органлари фао-  
лияти такомиллаштирилиб, ҳудудларни ривожлан-  
тиришга салбий таъсир кўрсатадиган муаммолар  
аниқланиб, уни ўз вақтида ҳал этишнинг механизмла-  
ри вужудга келди. Ижро этувчи ҳокимият органлари  
рахбарларининг жавобгарлиги ва масъулиятини оши-  
риш бўйича янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул  
қилинди.

2022 йил 29 январда Давлатимиз раҳбари  
томонидан имзоланган “Давлат органлари билан  
муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъ-  
ектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини  
таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишон-  
чини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги  
ПҚ-107-сонли қарор шахс ва жамият, инсон ва фуқа-  
ро, тадбиркорлик субъектлари ва давлат органлари  
ўртасидаги муносабатларда ҳуқуқ устуворлигини  
таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Қарорда белгиланган вазифалар бугунги куннинг  
долзарб масаласига айланган фуқаролар ва тад-  
биркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини  
ҳимоя қилишда судларнинг, айниқса, маъмурий суд-  
ларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаро ва тад-  
биркорларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айлантиришга  
хизмат қилади.

Жамият ва давлат ҳаётида маъмурий судларнинг  
ўрни ва ролини ошириш, уларга бўлган ишончни яна-  
да мустаҳкамлаш мақсадида давлат органлари томо-  
нидан суд қарорлари ижро этилиши устидан назорат-  
нинг таъсирчан механизмларини жорий этади.

Давлат органлари билан муносабатларда фуқа-  
ролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва  
қонуний манфаатларининг самарали ҳимоя этилиши-  
ни таъминлаш ҳамда маъмурий суд ишларини юри-  
тишни халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда  
такомиллаштириш мақсадида бир қатор вазифалар  
қўйилмоқда.

Тегишли давлат органларига, хусусан Олий  
суд, Судьялар олий кенгаши ҳамда манфаатдор  
вазирлик ва идоралар билан биргаликда дав-  
лат органлари қарорлари устидан берилган  
шикоятларни кўриб чиқишда маъмурий суд-

ларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаролар  
ва тадбиркорлик субъектларининг ҳақиқий  
ҳимоячисига айлантиришга қаратилган янги  
тартибларнинг процессуал қонун ҳужжатлари-  
да белгиланишини таъминлаш назарда тутил-  
моқда. Бунда, маъмурий суд ишларини юри-  
тиш-ни “суднинг фаол иштироки” тамойили асосида  
амалга ошириш, маъмурий судларга ишнинг  
ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш учун ўз ташаб-  
буси билан далилларни йиғиш мажбуриятини  
юклаш, ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркор-  
лик субъектига эса далилларни йиғишда фақат  
ўз имконияти доирасида иштирок этишга ша-  
роит яратиш;

ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик  
субъектига оммавий-ҳуқуқий муносабатдан  
келиб чиқадиган низо билан бирга унга сабабий  
боғланишда бўлган зарарни ундириш талабини  
ҳам маъмурий судга билдириш ҳуқуқини тақдим  
этиш ҳамда бундай талабларни кўриб чиқишни  
маъмурий судлар ваколатига ўтказиш;

маъмурий судларнинг оммавий-ҳуқуқий муно-  
сабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича ҳал  
қилув қарорлари давлат органлари ёки таши-  
лотлари томонидан ижро қилинмаган тақдир-  
да, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан  
суд жарималарини қўллаш;

оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб  
чиқадиган ишлар бўйича тарафлар ўртасида  
ярашувга эришиш механизмларини жорий қилиш  
сингари муҳим институционал асослар ва прин-  
циплар акс этган.

Шубҳасиз, мазкур қарорда белгиланган вазифа-  
ларнинг ижроси давлат ва жамият тараққиётида ҳал  
қилувчи аҳамият касб этадиган маъмурий тартиб-  
таомиллар, маъмурий шикоят ва маъмурий судлов  
институтларининг ривожланиш тенденциясига ижо-  
бий таъсир кўрсатади. Зеро, бундан кўзланган мақ-  
сад ривожланган хорижий давлатлар стандартлари-  
дан келиб чиққан ҳолда, фуқаролар ва тадбиркорлик  
субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этили-  
шини таъминлашдир.



**Дурсмuroд ТОШЕВ,**  
Тошкент шаҳар  
маъмурий суди  
судьяси

## МАЪМУРИЙ СУДЛАР ФУҚАРО ВА ТАДБИРКОР- ЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ ҲИМОЯЧИСИ БЎЛИШИ ЗАРУР

*Ўзбекистон суд тизими тарихида илк бор умумюрисдикция судларидан алоҳида бўлган маъмурий судлар ташиқил этилди. Мазкур судларда давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинлари, қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ низолар кўриб чиқилади. Маъмурий судлар нисбатан янги институт бўлишига қарамасдан уларда маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатларни кўриб чиқиб, уни қонуний ҳал қилиш юзасидан маълум бир амалиёт шаклланди.*

Айтиш мумкинки, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига, жумладан лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларига, шунингдек қонунчиликка мувофиқ бошқа маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга доир жуда кўплаб низолар кўриб чиқилиб, қонуний ҳал этилмоқда.

Статистик маълумотларга кўра кейинги беш йил давомида маъмурий судлар томонидан 67 минг 989 иш кўрилган бўлса, шундан 45 мингга яқини, яъни 65 фоизи қаноатлантирилган, маъмурий органлар қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги шикоятларнинг 44 % юзасидан аризачилар фойдасига ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Лекин, ҳуқуқий, назарий ва амалий нуқтаи назардан таҳлил этиладиган бўлса, маъмурий суд ишларини юритишда баъзи бир муаммолар ҳам кўзга ташланади. Судга тааллуқлилик масаласида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш билан боғлиқ баҳсли масала амалиётда учраб турибди. Айниқса, фуқаролик ва маъмурий судлар ўртасидаги судга тааллуқлилик масаласида муаммоли жиҳатлар мавжуд. Амалдаги қонунчиликка кўра, фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой, ер тўғрисидаги ва бошқа муносабатлардан юзага келадиган низолар асосан фуқаролик ишлари бўйича судларга тааллуқли. Амалиётдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, фуқарога ёки тадбиркорлик субъектларига ер ажратиш, ерни захирага олиш тўғрисида чиқарилган ҳокимнинг тегишли қарори бир томондан ер тўғрисидаги муносабатлар доирасида амалга оширилган бўлса-да, уни иккинчи томондан маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар доирасидаги низо деб ҳам ҳисоблаш мумкин. Суд амалиётини таҳлил қиладиган бўлсак, ер ажратиш ёки ерни захирага олиш тўғрисидаги ҳокимнинг тегишли қарори юзасидан низолар маъмурий судларда кўриб чиқилади. Шунинг эътиборга олган ҳолда ҳуқуқшунос олимларнинг амалиётчилар билан биргаликда қонунчиликни қайта кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда жамият ҳаётида маъмурий судларга бўлган ишончини янада ошириш, хусусан,

давлат органлари томонидан суд қарорлари ижроси устидан назоратнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш зарурияти ҳам вужудга келмоқда.

2022 йил 29 январда Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-107-сонли қарорида белгиланган вазифалар маъмурий суд ишларини юритишни халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштиришда амалий аҳамият касб этади.

Мазкур қарорда маъмурий судларнинг ҳуқуқий таъсир чораларини янада ошириш нуқтаи назардан маъмурий судларнинг оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан ижро қилинмаган тақдирда, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан суд жарималарини қўллаш, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича тарафлар ўртасида ярашувга эришиш механизмларини жорий қилиш масалалари назарда тутилмоқда. Ушбу масалалар 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси иккинчи йўналиши “Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш” бора-сидаги белгиланган мақсадларга ҳамоҳанглиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Ва маъмурий судларда мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш орқали суд назоратини қўллаш соҳасини, шунингдек, низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларида кенг фойдаланиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, ярашув институтини қўллаш доирасини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, маъмурий судлар Янги Ўзбекистон давлат сиёсатининг бош мақсадига айланган “Инсон қадрлари учун” тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини ошириб бориш, иқтисодий тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантиришдек муҳим жараёнда фаол иштирок этади.

# МАЪМУРИЙ НИЗОЛАРНИНГ СУДЛОВГА ТААЛЛУҚЛИЛИК МУАММОЛАРИ: ҲАРБИЙ СУДЛАР МИСОЛИДА

**Статистик маълумотларга кўра бугунги кунда судларда кўрилатган ишларнинг салмоқли қисмини маъмурий ва оммавий – ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар ташкил этмоқда.**



**Дилмурод ЖҲРАЕВ,**  
Тошкент шаҳар маъмурий судининг судья катта ёрдамчиси

Ҳар қандай механизмнинг камчилиги, унинг амалиётидан намоён бўлади. Бугун биз ҳарбий маъмурият ва ҳарбийлар ўртасида юзага келадиган маъмурий низолаарнинг судловга тааллуқчилиги юзасидан амалиётда учраётган ёки учраши мумкин бўлган муаммолар ҳақида мулоҳаза юритмоқчимиз.

Бугунги кунда соҳа мутахассислари ўртасида ҳарбий судларнинг кейинги фаолияти борасида қарама-қарши фикрлар мавжуд. Айрим мутахассислар ҳарбий судларга эҳтиёж мавжуд эмаслигини таъкидлашса, баъзилари судларнинг ихтисослашувини нуқтаи назаридан ҳарбий судларга жамият доимо эҳтиёж сезишини айтадилар.

Соҳа мутахассисларининг турли хил ёндашишларидан келиб чиқиб ва ҳарбий судларнинг заруриятини инкор қилмаган ҳолда ҳарбий судловга тааллуқли қонунчиликни бироз ислоҳ қилишни зарур деб ҳисоблаймиз. Бу борада ривожланган давлатлар ҳарбий судлар борасидаги қонунчилигининг тараққиёти ва амалиётига бир қур назар ташлаш фойдадан холи эмас.

Америка Қўшма Штатларининг қонунчилигига биноан ҳарбий интизомни бузиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳарбий хизматчи, собиқ ҳарбий хизматчи ёки ҳарбий бўлмаган шахснинг ҳарбий маъмурият билан келиб чиқадиган низоини ҳарбий трибуналда (ҳарбий судда) ҳал этиши назарда тутилмаган.

Бироқ, англо-саксон ҳуқуқ тизимининг хусусиятидан келиб чиқиб, ҳарбий хизматчи ёки собиқ ҳарбий хизматчининг маъмурий ёки оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоини ҳарбий трибуналда (ҳарбий судда) ҳал этиш назарда тутилмаганлиги ушбу қонданинг муваққат эканлигини билдирмайди. Аммо қўшма штатларнинг юқорида қайд этилган қонунчилигига кўра, ҳарбий трибунал (ҳарбий суд)да асосан ҳарбий хизматчининг интизомни бузиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир қилиш билан боғлиқ ишлари кўриб чиқилиши белгиланган.

Англо – саксон ҳуқуқ тизими амалда бўлган давлатларнинг кўпчилигида жараён худди шундай ташкил этилган.

Россия Федерацияси “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси”нинг 18-моддасига биноан федерал қонунларда назарда тутилган ҳолларда маъмурий ва оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ низолаар ҳарбий судларда кўриб чиқилиши белгиланган. Бироқ, яна бир Романо-герман ҳуқуқ тизимидан фойдаланувчи асосий мамлакатлардан бири бўлган Германияда ҳарбий судлар умуман мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги қонунининг 45-моддасига биноан ҳарбий қисмлар, қўшилмалар ва бирлашмаларнинг ҳарбий бошқарув органлари қўмондонлигига нисбатан ҳарбий хизматчиларнинг даъволари бўйича фуқаролик ишларини ҳамда ҳарбий бошқарув органлари қарорлари,

ҳарбий мансабдор шахслар ёки ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятларни Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари кўриши белгиланган. Бироқ, Қонуннинг ушбу моддасида собиқ ҳарбий хизматчи ҳақида ҳеч нарса назарда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги 24-сонли “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарорининг 10-бандига кўра ҳарбий бошқарув органлари ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар қақиров комиссияларининг қарорлари устидан шикоятлар ҳарбий судлар томонидан кўрилиши белгиланган. Яъни, аризагининг ҳарбий хизматчи ёки собиқ ҳарбий хизматчи эканлигидан ёки умуман ҳарбий хизматчи эмаслигидан қатъи назар ҳар қандай ҳолатда ҳарбий бошқарув органлари ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар қақиров комиссияларининг қарорлари устидан шикоятлар ҳарбий судлар томонидан кўрилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сон Фармони 5-иловасига кўра, республика ҳудудида Нукус, Қарши, Тошкент, Самарқанд, Фарғона ҳарбий судлари мавжуд бўлиб, ушбу судларнинг ҳар бирида биттадан, жами 5 та судья штат бирлиги мавжуд.

Юқорида келтирилган Қонун ва Пленум қарорларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугунги кун суд амалиётини ҳар қандай ҳолатда ҳарбий бошқарув органлари ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар қақиров комиссияларининг қарорлари устидан шикоятлар ҳарбий судлар томонидан кўриб чиқилляпти. Бунда айрим муаммолар ҳам кўзга ташланмоқда:

биринчидан, ҳарбий судларнинг республика ҳудудида камлиги сабаб ҳарбий хизматчи, собиқ ҳарбий хизматчи ёки ҳарбий хизматчи бўлмаган фуқаронинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш масаласида судга мурожаат қилинган тақдирда суд мажлисларида шахсан иштирок этиш масаласида қийинчилик вужудга келмоқда;

иккинчидан, бир судьянинг судловнинг барча турларида тааллуқли ишларни кўриши судьянинг ихтисослашувини инкор этади ва одил судлов сифатини пасайтиради.

Юқоридаги камчиликлар юзасидан ҳуқуқбузарлик ёки жиноят билан боғлиқ бўлмаган ишларни умумий тартибда судловга тааллуқчилиги бўйича кўриш амалиётини жорий этиш таклиф этилади.





**Ахтам ТУРСУНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Коррупцияга қарши кура-  
шиш агентлиги ҳузурида-  
ги Жамоатчилик Кенгаши  
раиси, юридик фанлар  
доктори, профессор

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ЎРНИ

**Коррупция – давлат ва жамият ривожига салбий таъсир кўрсатувчи хавфли омил, у мавжуд бўлган ҳар қандай давлатда ривожланиш секинлашади, давлат ҳокимиятига нисбатан ишончсизлик пайдо бўлади ва демократик институтларга пўтур етади.**

**Коррупция – шахсий манфаатни жамият манфаатидан устун қўйишнинг бир кўриниши. Бу жамиятда оддий халқ вакиллариининг юқори амалдорларга ёхуд давлат амалдорларининг ўзаро бир-бирларига бўлган муносабатидан келиб чиқади.**

Коррупцияга қарши кураш борасида мамлакатимизда ҳам бир қанча ижобий ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, 2017 йил 3 январда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, мазкур йўналишдаги муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинди.

Қонуннинг 5-моддасида “аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш” коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида кўрсатиб ўтилган.

Жамоатчилик назорати мазмунан азалдан миллий ва диний қадриятларимизга сингиб кетган. 2018 йил 12 апрелга келиб мазкур ижтимоий институт “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун билан мустақамланиб, ҳуқуқий институтга айланди. Қонунга кўра, жамоатчилик назорати Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонун ҳуж-

жатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат-нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари томонидан амалга оширилади.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”-ги қонуннинг 19-моддасида “коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органларининг фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш” вазифаси давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар қаторида қайд этилди.

Мазкур қонуннинг 14-моддасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар, 15-моддасида эса оммавий ахборот воситалари коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши белгилаб берилди.

Жамоатчилик назорати – давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар, давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш, жамоатчилик муҳокамаси, эшитуви, мониторинги, экспертизаси ва жамоатчилик фикрини ўрганиш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан давлат идоралари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш шаклларида амалга оширилади.

Мазкур йўналишдаги фаолият натижадорлигини ошириш мақсадида мамлакатимизнинг деярли барча давлат органлари ва ташкилотларида жамоатчилик кенгашлари ташкил этилган ва бу ўз навбатида, коррупцияга қарши курашиш соҳасида ижобий самарасини бериб келмоқда.

Шу каби кенгаш Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши кураш агентлиги ҳузурида ҳам ташкил этилган.



**Мазкур жамоатчилик кенгаши зиммасига қуйидаги йўналишларда вазифалар юклатилган:**

- ▶ коррупцияга қарши курашиш соҳасида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;
- ▶ коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;
- ▶ коррупцияга қарши курашиш соҳасида таъминот чоралар, тадқиқотлар, мониторинг ўтказиш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- ▶ коррупцияга қарши курашиш соҳасида кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва ташкил этиш;
- ▶ коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини мониторинг қилиш, унинг фаолиятини амалга оширишга қўмаклашиш.

Мазкур жамоатчилик кенгаши ўз ишини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланади. Кенгаш коррупцияга қарши кураш агентлиги директорининг қарори билан ташкил этилади ва директор тасдиқлаган низом асосида ўз фаолиятини амалга оширади.

Жамоатчилик кенгаши аъзолигига, қоида тариқасида, давлат органларида намунали хизмат кўрсатган меҳнат фахрийлари, жамоатчилик фаолияти соҳаларида катта амалий тажрибага эга обрў-эътиборли фуқаролар, шунингдек, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари қабул қилинади.

Бир сўз билан айтганда, Кенгаш нодавлат-нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун давлат органларини фуқаролар билан боғлаб турадиган "қўприк" вазифасини бажаради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бошқа давлатлар сингари Ўзбекистонда ҳам коррупцияга миллий хавфсизликка таҳдид солаётган улкан хавф, иқтисодий ривожланишига тўсиқ бўлувчи иллат сифатида қаралади. Ва унга қарши курашга нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки бутун жамиятнинг куч ва имконияти сафарбар этилган.

Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги



ПФ-60-сон Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва коррупциявий омилларнинг олдини олиш бўйича аниқ механизмларни белгилаб олиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур фармон билан тасдиқланган "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси"нинг "Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги таъминлаш тарихини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш"га бағишланган 3-йўналиши бўйича "Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш" мақсадини амалга ошириш шакли сифатида "Ички ишлар вазирлиги ва ҳудудий ички ишлар органларида Жамоатчилик кенгашларини тузиш орқали тизим фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизимини яратиш"нинг белгиланганлиги эса ички ишлар органлари тизимида очиқликни таъминлаш ва коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш масаласини янада долзарблаштиради.

Жамиятни ривожлантириш, шу жумладан коррупцияга қарши курашда жамоатчилик ролини оширишнинг бу каби тенденцияси келгусида коррупцияга қарши курашда жамоатчилик иштироки самарадорлигини ошириш учун тизимли ишларни йўлга қўйиш зарурлигини келтириб чиқаради.

Фикримизча, коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик иштироки концепциясини ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш зарур ҳисобланади. Мазкур концепциянинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик иштирокини таъминлашга йўналтирилган ишларни тизимли, мақсадли ва босқичма-босқич ташкил этиш имконини беради.



**Шухрат РУЗИНАЗАРОВ,**  
Тошкент давлат юридик  
университети Бизнес ҳуқуқи  
кафедраси профессори, юри-  
дик фанлар доктори

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ — ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

*Халқаро умумэтироф этилган ҳужжатларнинг асосий устувор мақсади инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир. Унинг Конституциямиз ва миллий қонунчилик меъёрларида ўз аксини топганлиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятини яратмоқда. Дунёвий тараққиётга эришишнинг асосий кўрсаткичи инсоннинг иқтисодий ҳуқуқлари ҳимоясини амалга оширишга бевосита боғлиқдир.*


Ўзбекистон Республикаси Конституцияси шахснинг мулкдор бўлиш ҳуқуқини кафолатлайди. Конституциямизнинг 36-моддасига кўра “Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади”. Маълумки, жамиятнинг иқтисодий негизи сифатида мулк муҳим ўрин тутди. Бинобарин, Конституциянинг 53-моддасига асосан, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларида тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасига мувофиқ мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Мулксиз рақамли иқтисодий муносабатларни шакллантириб ҳам бўлмайди. Иқтисодиёт хилма-хил шаклдаги мулклар асосида равнақ топади. Рақамли иқтисодий муносабатлар энг аввало, инсоннинг иқтисодий ҳуқуқларини оқилана амалга ошириш ва манфаатдорлиги асосида ривожланади. Шу маънода тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини таъминлаш уларнинг мулкдор бўлиш хоҳиш-иродасини рўёбга чиқаришга чамбарчас боғлиқдир. Жамиятда мулккий муносабатларнинг барқарорлигини ва мулкдорларнинг мулккий хавфсизлигини таъминламасдан туриб иқтисодий ва тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигига ҳам эришиб бўлмайди. Энг муҳими, инсоннинг иқтисодий ва тадбиркорлик фаолияти эркинлиги унинг бу борадаги ҳуқуқларини амалга оширишнинг гарови бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли, иқтисодий-мулккий эркинлик ва тадбиркорлик эркинлиги бир-бири билан узвий боғлиқ жараёндир.

Жамиятда ҳар бир шахснинг мулкдор бўлиш ҳуқуқини кафолатламасдан, улар эркинлигини таъминламасдан туриб рақамли иқтисодиётни тараққий эттириш ғоятда мушкул масала. Конституциявий нормалар иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлигини кафолатлаш баробарида барча мулк шаклларида тенг ҳуқуқлилигини ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этишга хизмат қилади.

Дунёда рақамли реаллик шароитида инсон иқтисодий ҳуқуқларининг трансформациялашуви жараёни юз бермоқда. Инсонлар иқтисодий ҳуқуқларини амалга оширишнинг реал ва трансчегаравий тус олиши халқаро ҳужжатлар талабларининг амалда таъминланаётганлигининг ёрқин далили бўлиб хизмат қилади. Иқтисодий фаолият субъектларининг мулккий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қолаверса мулкдор бўлишнинг конституциявий кафолатлари уларнинг иқтисодий маданияти даражасини ошириши ҳам тақозо этади.

Мулккий ҳуқуқ ўз навбатида шахснинг иқтисодий ҳуқуқини қамраб олади. Шахснинг иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаш янги







Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишидир. Бинобарин, рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши, ўзини-ўзи банд қилувчи шахсларнинг электрон тижорат соҳасига жалб этилиши, фуқароларнинг ахборот информацион технологияларни қўллаш ҳисоби-га даромадларини ошириш учун кенг имконият яратилаётганлиги, иқтисодий ҳуқуқларни амалга оширишнинг рақамли трансформациялашувидан далолат беради. Кези келганда шуни қайд этиш жоизки, пандемия шароитида инсонларнинг иқтисодий ҳуқуқларини амалга оширишда рақамли технологияларни қўллаш, шу жумладан масофадан туриб, яъни онлайн режимида меҳнат фаолиятини юритиш ўзининг самарасини берганлиги яққол исботланди. Иқтисодий маънода рақамли мулкрий муносабатлар иштирокчилари учун тенг ва имтиёзли шарт-шароитларнинг яратилаётганлиги уни ривожлантиришда асосий мезон вазифасини бажармоқда.

Рақамли реаллик шароитида товарлар, ишлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин муомалада бўлиши мулкдорларнинг ўз мулкларига эга бўлиш ва қўпайтиришига имкон бермоқда. Давлат томонидан тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш чораларининг тизимли равишда қўрилиши иқтисодиётнинг рақамли трансформациялашув ва мулкдорларнинг мулкка эгалик туйғуси ва кўникмаларини шакллантиришга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатяпти.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида ҳам катта имкониятларни қўлга киритишнинг ҳуқуқий асосини яратмоқда. Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодиётнинг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши назарда тутилганлиги, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари яратилганлиги мулкдор бўлиш ҳуқуқини амалга оширишга ҳар томонлама шароит ва қулайликлар туғдирди. Айниқса, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши кафо-

латланганлиги жамиятда тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг муҳим омили сифатида намоён бўлмоқда.

Дунёда ва янги Ўзбекистонда инсонларнинг иқтисодий ҳуқуқларини амалга оширишнинг рақамли трансформациялашув объектив жараёндир. Иқтисодий ҳуқуқни рўёбга чиқариш мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва унинг дахлсизлиги таъминланганлиги билан узвий боғлиқ. Рақамлашаётган жамиятда мулкдорлар синфи шаклланаётганлиги шахс иқтисодий ҳуқуқларининг ҳосиласидир.

Рақамли глобаллашув шароитида икки ва кўп томонлама шартномалар ва рақамли иқтисодий интеграция доирасида ҳўжалик алоқадорлигининг ривожланиши халқаро иқтисодий ҳамда тадбиркорлик ҳуқуқи, бизнес ва электрон тижорат ҳуқуқи, трансчегаравий ва рақамли ҳуқуқнинг электрон тижорат ҳуқуқи фундаментал асосларини ўрганиш бўйича тизимли тадқиқотларни амалга ошириш лозим. Рақамли реаллик шароитида инсонларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни илмий таъминлаш муаммоларини ўрганиш тараққиёт стратегиясининг мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқаришнинг муҳим омилidir. Энг муҳими, баён этилган истиқболли ва устувор йўналишлар бўйича илмий тадқиқот ишларини пухта тузилган концепциялар асосида ташкил этиш ва унинг натижаларини амалиётда қўллашнинг механизмларини ишлаб чиқиш пировардида рақамлаштириш борасидаги иқтисодий ислохотлар барқарорлиги ва бардавомлигини таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, янги Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг глобаллашув шароитида фуқаролар иқтисодий ҳуқуқларининг халқаро эътироф этилган ҳужжатларга мувофиқ миллий конституциявий кафолатлар тизими яратилганлиги узоқни кўзлаб амалга оширилаётган тараққиёт стратегиясини амалий рўёбга чиқаришнинг гоётада муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади.



**Мухайё  
ДЕДАМИРЗАЕВА,**  
Наманган вилоят  
судининг фуқаро-  
лик ишлари бўйича  
судьяси

## МУТОЛААДАН СЎНГ: “ЎЗИНГИЗНИ ИСЛОҲ ҚИЛИНГ...”

(“Судья маънавияти, масъулияти ва одоби” китобини ўқиб...)

**Суд-ҳуқуқ соҳасида ўтказилаётган ислохотлар, уларнинг ижобий натижалари ҳақида кўп ва ҳўб гапириш мумкин. Айниқса, судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг одил судловни амалга оширишдаги фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш борасидаги реал ҳуқуқий чора-тадбирларни айтиш. Судьяларнинг ижтимоий муҳофазаси-ку аввалгиларга ўхшамас...**

Қайд этилган икки омил ўтказилаётган ислохотлардан бир чимдим, холос. Ва айтиш мумкинки, улар тизимдаги ўзгаришларнинг ўзаги ҳисобланади. Зотан, судьянинг дахлсизлигини амалда таъминламай туриб, суд ҳокимияти мустақиллиги ҳақида гапириш қийин. Судьялик инсон ва жамият тақдири билан бевосита боғлиқ. Бу эса айни лавозим эгаларидан қонунларни мукаммал билиш ва уларни тўғри қўллашни талаб этиши ўз-ўзидан равшан. Бироқ, бу — талаблар шундангина иборат дегани эмас. Давлатимиз раҳбари “Маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмайди”, дея бежиз таъкидлагани йўқ. Чунки, қайси соҳа вакили бўлмасин (жумладан, судья ҳам!) маънавиятга ошно бўлмай камолотга эришиши қийин. Шу маънода Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан чоп этилган “Судья маънавияти, одоби ва масъулияти” китоби ўз вақтида нашр этилган рисола, шу баробарида юрт раҳбарининг юқоридаги даъватига “лаббай” деб берилган жавоб ҳамдир.

“Судья маънавияти, одоби ва масъулияти” бошдан-оёқ қуруқ ваъз-насихатлардан иборат эмас, мавзу моҳиятан битта бўлса-да, мундарижа ранг-баранг. Мутолаа жараёнида буюк Қодирийнинг “Мозийга қайтиб иш кўрмак хайрликдур”, деган ҳикмати такрор-такрор ёдга тушади. Чунки, унда судьяликнинг тарихи-ю ўтмишдаги қозиларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти ҳақида таъсирли ҳикоятлар, ривоятлар оз эмас. Шунингдек, дин-у диёнат, одоб-у ахлоқ хусусидаги муқаддас манбаларга ҳам етарлича ўрин берилган. Ўқийсиз, ўқийверасиз, ногоҳ саҳифалараро бир садо қулоғингиз остида жаранглагандай бўлади: бирни кўриб – фикр қил, бирни кўриб – шукр... Охирги жумлалар бироз шоирона бўлиб кетди, назаримда. Бу ҳам китоб мутолааси таъсири, аслида. Чунки, китобни ўқигач, шундай ҳиссиётлар чулғайдики, аввало, қисмат шундай мақом (судьялик)ни раво кўрганига шукр қиласан, ўз навбатида бу мақомнинг масъулияти ҳақида чуқур ўйга тушасан...



Тизимда “Судьянинг ички ишончи” деган гап бор. Бу шунчаки гап эмас, балки ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. Ички ишончининг аниқ мезонлари йўқ, у индивидуал ҳолат бўлиб, ҳар бир судьянинг қувваи ҳофизасига боғлиқ.

“Судья маънавияти, одоби ва масъулияти” китобида судьянинг ички ишончига доир ўта нозик ва ҳассос мавзу эътибордан четда қолмагани алоҳида таъкидга лойиқ. Ўқиймиз: “...судья бадийат билан ошно бўлиши керак. Чунки, китоб жамият ҳаётидаги муносабатларни чиройли шакл ва мазмун билан оққа кўчиради. Судья инсон қалбини англаши учун бундай асарлар мутолааси билан машғул бўлиши керак. Судья бадийатни ҳис қилса, у тарафларнинг руҳий кечинмаларини тушунади, у(лар)нинг қалбига назар сола олади. Қабул қилинган қарорнинг моҳиятини унга англатади... Унутмаслик керакки, ўқишдан тўхтаган киши фикрлашдан ҳам тўхтайдир”. Аён бўлмоқдаки, судья ички ишончининг қуввати унинг маънавиятига боғлиқ экан!

Китобда суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган ислохотлар ҳақида ҳам сўз борган. Мутолаа жараёнида ислохотлар янада самарали кечиши учун ҳар бир судья ўз-ўзини ислоҳ қилиши ҳам лозим, деган гоյ мужассам эканига амин бўласиз. Негаки, ислохотларга ўзини дохил деб билган ҳар бир шахс ишни ўзини ислоҳ қилишдан бошласагина кутилган натижага эришиш мумкин. Чунки, юрт тараққиёти, эл осойишталиги жамиятда қонун устуворлиги билан чамбарчас боғлиқ. Суднинг фаолияти эса айнан қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилган.

Муайян касб эгалари учун махсус қўлланмалар чоп этилиши, борлари эса изчил янгиланиб турилиши маълум. Бундай қўлланмалар маълум доирага мўлжаллангани учун ҳам жамоатчиликкача етиб бормайди. Шу боис кенг омманинг улар ҳақида етарли тасаввурга эга эмаслиги ҳам бор гап. “Судья маънавияти, одоби ва масъулияти” китоби суд ходимлари учун қўлланма, тўғрироғи, маърифий қўлланма. Бироқ у қамрови катталиги нуқтаи назаридан том маънода кенг омма учун ҳам асқотади. Мазкур китоб ҳар бир хонадонда бўлса, қани?! Нега десангиз, ҳар бир хонадон соҳиби қайсидир маънода ўз оиласининг қози (судья)си ҳисобланади. Улар ҳам хонадони доирасида ижро этилиши мажбурий бўлган ҳукмлар чиқаради, қарорларини айтади...

Нима демоқчи бўлганимни тушундингиз, чамаси?!



# ЁҒ ВА ПИЛИК

*Одамлар чирокқа  
ёғ қуйишди.*

*Пилик эса “энди  
пичогим ёғ устида”  
деб ўйлаб, оловга  
кўпроқ ёғни рўпара  
қилаверди... Лекин  
ҳақ жойида қарор  
топди: пиликнинг  
боши ҳар кеч қирқи-  
ладиган бўлди.*



**“Рамзлар СИЛСИЛАСИ”  
китобидан.**





**Элёрбек  
СОИБНАЗАРОВ,**  
Сирдарё вилоят  
судининг  
иқтисодий ишлар  
бўйича судьяси

# СИНГАПУР РЕСПУБЛИКАСИ СУД ТИЗИМИ

**Буюк Британиянинг собиқ мустамлакаси сифатида Сингапурнинг ҳуқуқий тизими инглиз умумий ҳуқуқига асосланади. Барча Сингапурликлар ирқи, дини ва эътиқодидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар.**

Президент томонидан тайинладиган Бош судья (Chief Justice) Сингапур суд ҳокимиятининг раҳбари ҳисобланади. Бош судья, Апелляция суди судьялари ва Олий суд судьялари Бош вазир томонидан тавсия этилган номзодлар орасидан Президент томонидан тайинланади. Судьяларни тайинлашда Бош вазир Бош судья билан олдиндан маслаҳатлашиши керак.

Сингапур Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ суд тизими Олий суд ва қуйи судлардан иборат. Сингапур Олий суди (Supreme Court) фуқаролик ва жиноий ишларни кўриб чиқади ҳамда Апелляция суди (Court of Appeal) ва Олий (Юқори) суд (High Court)га бўлинади. Апелляция суди фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясини амалга оширади, Олий (Юқори) суд эса жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича дастлабки эшитувни ҳамда апелляция шикоятларини кўриб чиқади.

Қуйи судлар округ судлари, магистрал судлар, вояга етмаганлар ишлари бўйича судлар, коронер (англо-саксон ҳуқуқий оиласига мансуб баъзи мамлакатларда ноодатий ҳолатлар билан боғлиқ ёки тўсатдан содир бўлган ўлим ҳодисаларини махсус текширадиган ва ўлим сабабини бевосита аниқлайдиган мансабдор шахс) судлари ва кичик даъволар бўйича трибуналлардан иборат. Бош Округ судьяси қуйи судларнинг раҳбари ҳисобланади.

Сингапурда ҳакамлар ҳайъати судлари 1969 йилда бекор қилинган.


1992 йилда Сингапур Жиноят-процессуал кодексига киритилган тузатишга кўра, оғир жиноятлар бўйича ишларни битта судья кўриб чиқиши мумкин бўлди. Мамлакат Президенти Вазирлар Маҳкамасининг тақдимномасига биноан афв этиш ҳуқуқига эга.

Сингапур Олий суди Бош судья ва судьялардан иборат бўлиб, улар айрим ҳолларда апелляция судьяси ёки экспертларни ўз ичига олиши мумкин. Олий суд жиноят ва фуқаролик ишларини, шунингдек округ судлари ва магистрал судларининг қарорлари устидан берилган апелляция шикоятларини кўради. Бундан ташқари, у адмираллик масалалари, компанияларни тугатиш, банкротлик, адвокатлар ва юристларни қабул қилиш тўғрисидаги аризалар билан боғлиқ ишларни кўради.

Олий суд умумий назорат юрисдикциясига эга, шунингдек у барча қуйи судларнинг ҳар қандай фуқаролик ёки жиноий ишларини кўриб чиқади. Умуман олганда, Сингапур Олий суди даъво предметининг қиймати 250 000 сингапур долларида ортиқ бўлган ишларни кўради.

У Сингапурда содир этилган барча жиноятлар бўйича юрисдикцияга эга, шунингдек, баъзи ҳолларда Сингапурдан ташқарида содир этилган жиноятлар билан боғлиқ ишларни ҳамда ўлим жазоси ёки 10 йилдан ортиқ қамоқ жазосини назарда тутувчи жиноят ишларини кўриб чиқади.

Бундан ташқари, даъво суммаси 60 000 сингапур долларида кам бўлмаган, 250 000 сингапур долларида ошмайдиган фуқаролик ишлари Сингапур округ судларида кўриб чиқилади. Шунингдек ушбу судлар озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати 10 йил ва ундан кам бўлган ёки фақат жарима жазоси қўлланиладиган жиноят ишларини ҳам кўриб чиқишлари мумкин. 60 000 сингапур долларида ошмайдиган даъволар билан боғлиқ фуқаролик ишлари магистрат судлари томонидан кўриб чиқилади. Ушбу судлар, шунингдек 3 йил ёки ундан кам муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки фақат жарима билан жазоланадиган жиноят ишларини кўриб чиқиш ваколатига эга.



Бу судлар шахсни кўпи билан 2 йилга озодликдан маҳрум этишга ёки 2 000 сингапур доллари миқдорида жаримага ёхуд кўпи билан 6 дарра уришга ҳукм қилиши мумкин.

Сингапурдаги Апелляция суди номидан кўрииб турганидек, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий суд қарорлари устидан шикоятларни кўриб чиқади. У Бош судья ва апелляция судьяларидан иборат. Апелляция суди одатда учта судьядан (Бош судья ва иккита апелляция суди судьясидан) иборат, бироқ баъзи ҳолларда суд мажлисларида учтадан ортиқ судья иштирок этиши мумкин.

Сўнгги йилларда Сингапур қуйи судлари тизимида Оила масалалари бўйича суд — (Family Court), Тунги суд — (Night Court), Жамоат суди — (Community Court), Шариат суди — (Syariah Court) ва Йўл-транспорт ҳодисаси бўйича суд — (Traffic Court) каби қатор судлар ҳам ташкил этилди.

Сингапурдаги Вояга етмаганлар суди (Yuvencil Court) “болалар” (14 ёшгача бўлган) ёки “ўсмирлар” (14-16 ёш) томонидан содир этилган аниқ жиноятлар билан шуғулланади.

Сингапур коронер судлари тўсатдан ёки ғайритабиий тарзда юзага келган, зўравонлик қўллаш орқали ёки ўлим ҳолатини келтириб чиқарадиган номаълум вазиятлар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай текширувларни олиб боради. Ўз жонига қасд қилишда гумон қилиш, автоҳалокат ва ишлаб чиқариш жараёнидаги авариялар (бахтсиз ҳодисалар), қамоқхонадаги ўлимлар коронер судлари объекти саналади.

Сингапурнинг кичик даъволар бўйича Трибунали истеъмолчилар ва етказиб берувчилар ўртасидаги кичик даъволар, товарларни сотиш ёки хизматлар кўрсатиш ва турар-жой биноларини 2 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга ижарага беришдан келиб чиқадиган шартномалар билан боғлиқ низолар билан шуғулланади.

Трибунал даъво миқдори 10 000 сингапур долларидан ошмайдиган, аммо айрим ҳолларда 20 000 сингапур долларигача бўлган даъволарни кўриб чиқиш ваколатига эга. Барча даъволар низо юзага келгандан кейин бир йил ичида топширилиши керак ва ҳар икки томонни одатда адвокат ҳимоя қилиши шарт эмас. Трибунални Олий суд тавсиясига биноан Президент томонидан тайинланадиган судьялар бошқаради.

Сингапурнинг оила масалалари суди (Family Court) фарзандликка олиш, никоҳдан ажратиш, болалар муаммолари, эр-хотиннинг мол-мулкни бўлиш, эр-хотин ва болаларни оиладаги зўравонликдан ҳимоя қилиш ва шариат судлари қарорларини ижро этиш билан шуғулланади.

Сингапур кечки судлари жамоатчилик манфаати учун хизмат қиладиган муаммоли маса-



лаларни ҳал қилиш мақсадида душанба кунидан жума кунига қадар икки кеча соат 18:00 дан кейин ишлайди.

Биринчи иш кунида (кечада) судлар уй-жой қурилишини ривожлантириш, шаҳарни ривожлантириш агентликлари, марказий жамғарма фонди, компаниялар ва корхоналар реестри каби турли давлат органлари томонидан бериладиган чақирув қоғозлари ва билдиришномалар билан шуғулланади.

Иккинчи кечада йўл ҳаракати полицияси томонидан хабар қилинган йўл ҳаракати билан боғлиқ жиноятлар кўриб чиқилади.

Сингапур жамоат суди (Community Court) вояга етмаганлар шунингдек руҳий касалликка чалинган ҳуқуқбузар томонидан содир этилган жиноятларни, қўшнилари ўртасидаги низоларни, ўз жонига қасд қилиш, оиладаги зўравонлик ишларини, ҳайвонларга нисбатан зўравонлик қилиш, ирқчилик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни, шунингдек алоҳида ҳолларда 65 ва ундан катта ёшдаги ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ индивидуал ишларни кўриб чиқади.

Шариат суди (Syariah Court) мусулмонлар ёки ислом қонунларига кўра никоҳда бўлган бошқа кишилар ўртасидаги никоҳдан ажратиш ишларини кўриб чиқади ва уларга никоҳга киришга рухсат беради.

Йўл ҳаракати суди (Traffic Court) йўл ҳаракати полицияси томонидан қайд этилган йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ ишларни кўриб чиқади.

Сингапурда кўпгина тижорат низолари суд тизимидан ташқарида бўлган воситачилик жараёнлари ва арбитражлар орқали ҳал қилинади.

Сингапур медиация маркази (Singapore Mediation Centre) нотижорат ташкилот бўлиб, томонларга низоларни тинч йўл билан ҳал қилишда ёрдам бериш учун нейтрал воситачилар (медиаторлар) гуруҳини тайёрлайди.

Воситачилар (медиаторлар) ҳар бир томон учун адвокат ёрдамида музокаралар олиб боришда ва ҳамма учун мақбул бўлган амалий ечимга эришишда ёрдам берадиган юридик ёки бошқа профессионал соҳалардаги алоҳида хурматга эга шахс ҳисобланишади.



Тарафлар ва воситачи томонидан қабул қилинган қарорлар уларга фақат ёрдам беради, лекин муаммони ҳал қилмайди. Ишларнинг 90 фоизи бир иш куни ичида ҳал қилинади ва одатда катта миқдорда пул ва вақтни тежайди.

Воситачилик тўлови бир кунга 900 сингапур долларидан бошлаб ҳисобланади. Сингапур медиация маркази зарур ҳолларда томонлар музокараларда боши берк кўчага кириб қолганда соҳа экспертининг ҳолис фикрига асосан нейтрал баҳолашни ҳам амалга оширади.

**Қуйидаги давлат органлари ва ташкилотлар низоли масалалар юзасидан тарафларга низоли тинч йўл билан ҳал қилишга кўмаклашади:**

- Сингапур Кадрлар вазирлигининг Меҳнат муносабатлари департаменти меҳнат низоларини воситачилик орқали тинч йўл билан ҳал қилишга ёрдам беради;
- Сингапур Истеъмолчилар ассоциацияси воситачилик маркази истеъмолчи ва уларнинг бизнеси ўртасидаги низоларни тартибга солишда ёрдам беради;
- “eAlternative Dispute Resolution” – Сингапур қуйи судларининг электрон савдоларини транзакция қилиш ва Интернетда низоларни онлайн тарзда ҳал қилишни тартибга солишга қаратилган ташаббуси бўлиб истеъмолчи ва шартнома масалалари, корхоналар, истеъмолчилар ёки уларнинг иккаласи ўртасидаги интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади;

- Молия индустриясидаги низоларни ҳал қилиш резолюция маркази (Financial Industry Disputes Resolution Centre) истеъмолчиларнинг молия муассасалари билан келишмовчиликларини ҳал қилишни тартибга соладиган очиқ, ҳолис ва мустақил марказдир;

- Сингапур геодезиячилар ва баҳоловчилар институти (Singapore Institute of Surveyors and Valuers) кўчмас мулк ва қурилиш билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш учун воситачи ҳисобланади;

- DisputeManager.com — бу барча низоларни онлайн воситачилик орқали ҳал қилишга ёрдам берадиган Интернет портали бўлиб, томонлар ушбу веб-сайтда ўз ишларини онлайн тарзда рўйхатдан ўтказишлари, шунингдек видеоконференция, интернет чатлари ташкил этишлари мумкин.

Сингапурда шунингдек арбитраж ҳам кенг тарқалган. Воситачилик (медиация)дан фарқли равишда, арбитраж мажбурий юридик кучга эга. Бу судга боришга ўхшайди, фақат суд залида ўтирилмайди ва у жамоатчилик учун очиқ ҳисобланмайди. Ҳакамлик судьяси (арбитр) томонларнинг келишувидан қатъи назар қарорни ўзи қабул қилади.

Сингапур халқаро арбитраж маркази (Singapore International Arbitration Centre) Сингапурда арбитраж ишларини кўриб чиқади ҳамда жиноят ишлари ва оилавий низолардан ташқари деярли ҳар қандай фуқаролик ишни ҳал қилиши мумкин.

Сингапурдаги арбитраж йиғимлари маъмурий тўлов ҳамда квант баҳси ва ҳакамлик судьяларининг иш тажрибасига боғлиқ бўлган ҳакамлик тўлови ва адвокат (юрист) тўловини ўз ичига олади. Сингапур халқаро арбитраж марказида 190 дан ортиқ ҳуқуқий экспертлар ва саноат экспертлари рўйхати мавжуд бўлиб, томонлар ўз ҳакам (арбитр)ларини ўзлари танлашлари мумкин.

Арбитраж ташкилот ҳисобланган Сингапур Денгиз арбитражи палатаси (Singapore Chamber of Maritime Arbitration) энг ишончли ва самарали усул сифатида денгиз низоларини арбитраж орқали ҳал қилишни таклиф қилади.

Сингапур жамоатчилик—воситачилик арбитраж қонуний схемаси (Law Society Mediation Arbitration Scheme) эса томонларга арбитраждан кейин воситачилик орқали келишувга эришишга ёрдам беради.

Сингапур суд тизимини ўрганиш орқали шундай хулосага келиш мумкинки, мазкур давлат англо-саксон ҳуқуқий оиласига мансуб бўлган давлат сифатида ўзига хос суд тизимига эга.

**Агар киши ўзини  
ҳамма нарсани бил-  
ладиган ва ҳамма  
нарга қодирдай  
қилиб кўрсатса, би-  
лингки, у ҳеч нарсани  
билмайди ва ҳеч  
нарга қодир эмас.**

**Лао ЦЗИ**



## ЙЎЛ ҚОИДАСИ – УМР ФОЙДАСИ


**Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар ҳаётга изчил жорий этила бошланди. Қадам-бақадам бозор иқтисодиётига ўтиб борилиши, автомобил саноатининг вужудга келиши, фуқаролар моддий фаровонлигининг юксалиши табиий равишда автомобил йўллари ва шаҳар кўчаларида ҳаракат миқдорининг ортиб боришига олиб келди.**

Транспорт воситалари билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиши натижасида давлат, жамият ва шахс манфаатларига моддий зарар етказилиши, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилиши, мулкӣ ва бошқа зарарлар келиб чиқиши мумкин. Баъзи ҳолларда мазкур турдаги жиноятларнинг содир этилиши одамлар ўлимига сабаб бўлаётганлиги ачинарли ҳолат эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Йўлларда автотранспорт воситаларининг хавф-хатарсиз ҳаракат қилиши, ҳаракат иштирокчилари ва ҳайдовчиларга салбий таъсир кўрсатадиган, бахтсиз йўл-транспорт ҳодисаси келиб чиқишига сабаб бўладиган омилларни бартараф этиш ҳозирги кунда долзарб муаммо бўлиб келмоқда.

Мамлакатимиз олдида ҳозирги ва истиқболдаги асосий масалалардан бири сифатида автомобил йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, уларда ҳалок бўлувчилар ва тан жароҳати олувчилар сонининг камайишига эришиш, шунингдек кўриладиган умумий ижтимоий иқтисодий зарарларни камайтириш вазифалари турибди.

Статистик маълумотларга кўра, охириги ўн йил ичида Республикамизда ҳар йили ўн мингдан ортиқ йўл транспорт ҳодисалари содир бўлади, уларда ўртача ўн икки минг киши жароҳатланиши ва икки минг киши ҳалок бўлиши қайд этилган. Йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш учун кўрилаётган қатор тадбирларга қарамасдан, уларнинг миқдорини ка-



майтиришга эришиб бўлмаяпти. Бу эса, йўл ҳаракати хавфсизлиги муаммоларига ўта жиддий ёндашиш зарурлигини, турли соҳа вакиллари, қолаверса кенг жамоатчилик олдида ўз ечимини топиши керак бўлган вазифа сифатида қўйишни талаб этмоқда.

Мазкур турдаги жиноятларга қарши курашишнинг долзарблиги шундаки, улар фуқароларнинг ўлими, соғлиги ва мулкига зарар етказиши билан бир қаторда баъзи ҳайдовчиларнинг ижтимоий маъсулиятсизлиги, тартибсизлиги, худбинлиги ҳамда жамият ва унинг аъзоларига нисбатан лоқайдлигининг кўриниши бўлганлиги билан ҳам хавфлидир.

**Фазлиддин ЧОРИЕВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Қарши туман суди раиси

## МАЪМУРИЙ СУДЛАР ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛАДИ

**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ПҚ-107-сонли қарори билан жамиятда маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳақиқий ҳимоячисига айлантириш мақсадида қуйидагилар белгиланди:**

тарафларга, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича келишув битимини тузиш ҳуқуқини бериш;

давлат органлари ёки ташкилотлари оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича ҳал қилув қарорини у қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир ой давомида ижро қилиш ҳамда бу ҳақда маъмурий судга хабар бериш;

давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича суд ҳужжати ижро қилинмаганлиги учун давлат органлари ёки ташкилотларининг мансабдор шахсларига нисбатан суд жаримасини қўллаш;

давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган

иш бўйича ҳал қилув қарорининг такроран ижро қилинмаганлиги учун давлат органлари ёки ташкилотларининг мансабдор шахсларига нисбатан дастлаб қўлланилган суд жаримасини оширилган миқдорда қўллаш.

Бундан ташқари, маъмурий судда иш юритиш тартиби фуқаролик ишлари бўйича судда иш юритиш тартибидан фарқ қилиши сабабли, Президент қарори билан бир суд иши доирасида баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштириш тақиқланмоқда.

**Жасурбек ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
Сурхондарё вилоят судининг  
жиноят ишлари бўйича судьяси.





**Хусан ТУРСУНОВ,**  
Қарши туманлар-  
аро иқтисодий  
суди судьяси

# МЕҲНАТ ҲУҚУҚИГА ОИД ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

*Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва меъёрлари устуворлигини таъминлаш, давлатлар томонидан халқаро мажбуриятларнинг тўла бажарилишига эришиш ҳамда бу борада икки томонлама ёки кўп томонлама ҳамкорлик алоқалари самарадорлигига эришиш халқаро муносабатларнинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.*

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида бевосита инсон ҳуқуқларига оид 70 дан ортиқ универсал ва минтақавий халқаро шартномалар, шу жумладан БМТнинг 9 та асосий шартномаси ҳамда Халқаро Меҳнат Ташкилоти 18 та конвенциясининг иштирокчиси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунларида халқаро ҳуқуқ нормалари устуворлиги тамойилининг мустаҳкамланганлиги халқаро ва миллий ҳуқуқий тизимнинг ўзаро самарали ва таъсирчан ҳуқуқий алоқасига замин яратди.

Гап меҳнат ҳуқуқига оид халқаро меъёрларни судлар томонидан қўллаш ҳақида бораркан, авваламбор, бу борада унинг миллий ва халқаро ҳуқуқий асосларини илмий-қиёсий нуқтаи назардан кўриб чиқишимиз лозим бўлади.

Шунга кўра, Ўзбекистонда меҳнат ҳуқуқига оид халқаро меъёрларни судларда қўллашнинг ҳуқуқий асосларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин.

**Биринчи гуруҳга** меҳнатга оид халқаро ҳуқуқ нормаларининг судлар томонидан қўлланилишини кўзда тутувчи универсал, минтақавий ва икки томонлама халқаро шартномалар ҳамда БМТ кўмиталарининг тавсиялари киради.

Халқаро ҳуқуқ нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши бугунги кунда икки ёки кўп томонлама, минтақавий ва халқаро шартномаларда ҳам бевосита ёки билвосита қайд этиб ўтилган. Уларни мазмунига кўра умумий ва махсус халқаро ҳужжатларга бўлиб ўрганиш мумкин. 1969 йилда қабул қилинган “Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида”ги Вена конвенцияси<sup>1</sup> Халқаро ҳуқуқ меъёрларини бажаришнинг муҳим асоси бўлиб ҳисобланади. Мазкур конвенциянинг 26-моддасига асосан ҳар бир шартнома “*pacta sunt servanda*” тамойилига мувофиқ, унинг қатнашчилари учун мажбурий ҳисобланади ва сидқидилдан бажарилиши керак.

Айтиш жоизки, ушбу қоида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойилларидан бири бўлиб, у ҳар бир давлатнинг зиммасидаги мажбуриятларини сўзсиз бажаришини талаб этади.

Меҳнат ҳуқуқига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни **юримдик кучига** кўра мажбурий ва тавсиявий тусдаги халқаро шартномаларга бўлишимиз мумкин. Жумладан, “Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактнинг 7-моддасига мувофиқ ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кишининг адолатли ва қулай шарт-шароитга эга бўлган меҳнат қилиш ҳуқуқини, жумладан барча меҳнаткашларга тенг қийматга эга меҳнат учун ҳеч бир тафовутсиз адолатли иш ҳақи ва тенг даромад бериши лозим.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти “Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-конвенциясининг 26-моддасида белгиланишича, “ушбу Конвенцияни ратификация қилган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳар бир аъзоси уни ўз суверенитети остида бўлган ҳудудда ёки юрисдикциясида қўллашга мажбур”<sup>2</sup>.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-конвенциясига асосан ушбу Конвенцияни ратификация қилган ҳар бир аъзо зўраки ёки мажбурий меҳнатни тугатиш ва унинг ҳар қандай шакллари қўлламаслик мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Тавсиявий характердаги халқаро ҳужжатларга халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган резолюциялар, халқаро шартномалар ва стандартлар, намунавий тусдаги ҳужжатлар киради. Чунончи, 1981 йил 23 июнда қабул қилинган “Эркак ва аёл меҳнаткашлар учун тенг муомала ва тенг имкониятлар тўғрисида”ги 156-конвенциянинг 9-моддасида қайд этилишича, “ушбу Конвенция қонунчилик ёки низомлар, коллектив шартномалар, корхонанинг ички меҳнат тартибот қоидалари, арбитраж қарорлари, суд қарорлари ёки шу усулларнинг жамини қўшиш воситасида ёки миллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда миллий амалиётга тўғри келадиган бошқа исталган усулда амалга оширилиши мумкин”<sup>3</sup>.

Меҳнат ҳуқуқига оид халқаро меъёрларни судларда қўллашни такомиллаштириш масалалари БМТнинг шартномавий кўмиталари томо-

нидан қабул қилинган бир қатор қарорларда ҳам алоҳида қайд этилган. Хусусан, БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакт қоидаларининг Ўзбекистонда бажарилиши бўйича Миллий ҳисоботини кўриб чиқиб “...қўмита шуни таъкидлайдики, миллий судлар томонидан қабул қилинган суд ҳужжатларида Пакт қоидаларига ҳавола қилинганлик амалиёти мавжуд эмас”<sup>4</sup>, деган хулосага келган.

Шунингдек, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакт қоидаларининг бажарилишини кўриб чиқиб Ўзбекистонга “Қўмита шуни таъкидлайдики, халқаро шартномалар тўғрисидаги қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси иштирокчи ҳисобланган халқаро шартномалар тўғридан-тўғри татбиқ этилиши ва қўлланилиши керак. Гарчи, халқаро ҳуқуқ миллий ҳуқуқдан устувор деб тан олинса-да, ҳали-ҳануз Пакт қоидаларидан тўла хабардорлик ва уларни амалиётда қўллаш бўйича бўшлиқлар мавжуд”<sup>5</sup>, – деган тавсияларни таклиф этган:

**Иккинчи гуруҳга** халқаро ҳуқуқ меъёрларининг амалиётга татбиқ этилишини кўзда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари киради.

Маълумки, Конституция — давлат ички ва ташқи фаолиятининг энг муҳим масалаларини тартибга солувчи асосий қонун сифатида халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчиликка сингдирилиши ва қўлланилишининг бош ҳуқуқий асосидир. Судлар халқаро ҳуқуқ меъёрларини қўллашда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устуворлиги тан олинганлигидан келиб чиқиб одил судловни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиши керак. Ушбу конституциявий қоида халқаро ҳуқуқ нормалари судлар томонидан қўлланилишининг муҳим асоси ва кафолатидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасига мувофиқ ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Конституциянинг муқаддимасида белгиланган “халқаро ҳуқуқни умумэтироф этилган қоидалари”нинг юридик табиатини ҳуқуқшунос олим Акмал Саидов қуйидагича изоҳлайди:

“Конституциянинг муқаддимасига биноан, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг нормалари, агар давлат ички қонунлари нормалари уларга зид келадиган бўлса, давлат ички қонунлари нормаларига нисбатан устувор эканлиги белгилаб қўйилган. Халқаро шартнома билан миллий қонун ўртасида зиддият аниқланган тақдирда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган-



лар қонунга эмас, балки халқаро шартномада ёзилган нормаларга амал қилишлари лозим. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий принциплар ва нормаларнинг тўғридан-тўғри амал қилиши эътироф этилди. Судлар ва бошқа давлат муассасалари тегишли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга бевосита амал қилишга ҳақли-дирлар”<sup>6</sup>.

“Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига кўра судларнинг асосий вазифалари фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, халқаро шартномаларида, шунингдек инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда кафолатланган ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, давлат ва жамоат манфаатларини, юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир.

Халқаро меҳнат муносабатлари соҳасида дунё ташкилотлари томонидан қабул қилинган нормалар ва миллий қонунчиликнинг ўзаро муносабатини таҳлил қилиб, ҳуқуқшунос олим Н.Насирова ўз нуқтаи назарини шундай баён этган:

“Асосий муаммо конвенциялар ёки турли халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ва келишувларни ратификация қилишдангина иборат эмас, балки уларнинг ижроси, миллий қонунчиликни мувофиқлаштириш, фуқароларнинг хабардорлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан қарор чиқаришда халқаро ҳужжатларнинг қўлланилиши билан боғлиқ-дир”<sup>7</sup>.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда меҳнатга оид қонун ҳужжатлари бўйича низоларни кўришда судлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ҳамда нормаларини, хусусан Халқаро Меҳнат



Ташкилотининг конвенцияларини қўллаш амалиёти етарли даражада эмас.

Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган “халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устуворлиги” тамойили ҳар қайси давлат органи, жумладан судлардан ҳам ҳар бир масалага (низога) миллий ва халқаро-ҳуқуқий, умум тан олинган тамойиллар нуқтаи назаридан баҳо беришни талаб этади. Чунки, халқаро ҳуқуқ нормалари билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиққан муайян низони нотўғри ҳал этиш халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойилларини бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Бошқача айтганда, ҳокимиятнинг алоҳида органи сифатида суд халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш орқалигина давлатнинг халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларини реал жиҳатдан бажаришда иштирок этади.

Халқаро-ҳуқуқий меъёрларни судларда қўллаш миллий ҳуқуқий тизимга катта таъсир ўтказиши. Судларнинг қарори маълум даражада ҳуқуқий оннинг шаклланишига, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга таъсир қилади, чунки судлар амалдаги меъёрларни жамлаб, аниқлаштириб, миллий ҳуқуқда қўллаш бўйича андозаларни ишлаб чиқади. Бу эса ўз навбатида халқаро ҳуқуқнинг ривожланишига олиб келади.

Мутахассисларга кўра асосий муаммо конвенциялар ёки турли халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ва келишувларини ратификация қилишдангина иборат бўлмай, балки уларнинг ижроси, миллий қонунчиликни мувофиқлаштириш, фуқароларнинг хабардорлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан қарор чиқаришда халқаро ҳужжатларнинг қўлланилиши билан боғлиқдир<sup>8</sup>.

Чунки, суднинг қарори Ўзбекистон Республикасида имзоланган халқаро шартнома ва конвенцияларга зид келмаслиги лозим, суд давлат номи билан иш олиб боровчи ташкилотдир. Суд қарори (ҳукм)ни давлатнинг ёндашуви натижаси деб қараш керак.

**Умуман айтганда, меҳнат ҳуқуқига оид халқаро меъёрларни судлар томонидан қўллаш функцияси қуйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин:**

- коллизия ҳолатларда миллий қонунчиликка нисбатан халқаро шартнома қоидаларининг устуворлиги;
- халқаро шартнома ва миллий ҳуқуқ нормаларининг биргаликда қўлланилиши;
- миллий қонунчиликда халқаро шартнома қоидаларини бевосита қўллаш назарда тутилган ҳолатларда.

Шундай экан, биз судьялар меҳнат низолари билан боғлиқ ишларни кўришда суд ҳужжатларини нафақат Конституция ва қонунлар, балки шу билан биргаликда “Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакт, “Меҳнат соҳасидаги асосий ҳуқуқ ва принциплар тўғрисида”ги декларация, “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенция, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-конвенцияси, “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-конвенцияси ҳамда “Эркак ва аёл меҳнаткашлар учун тенг муомала ва тенг имкониятлар тўғрисида”-ги 156-конвенциялари каби халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари билан ҳам асослашимиз, одил судловни амалга оширишда ушбу халқаро шартномаларни тўғридан-тўғри қўллашга ўтишимиз лозим.

Энг асосийси ҳар қайси давлат ўзи тан олган халқаро ҳуқуқ нормаларига қатъий амал қилиши ҳамда зиммасидаги халқаро шартномавий мажбуриятларни тўла бажаришидир. Бу эса давлат органлари, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва судлар фаолияти миллий қонунчилик сингари халқаро ҳуқуқ билан ҳам узвий алоқадорликда эканлигидан далолат беради.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Венская конвенция о праве международных договоров. Вена 23 мая 1969 г. Действующее международное право // Сост. Колосов Ю.М и Кривчикова Э.С. – М.: МАМП, 2002. – С.150.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 1997. –№9. –248-модда.
3. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Т.: Адолат, 2004. – Б. 130.
4. CCPR/C/UZB/CO/3.
5. CCPR/C/UZB/CO/3.
6. Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. – Тошкент: Konsaudinform – Nashr, 2006. – Б. 93-94.
7. Насырова Н. Правовые нормы международных организаций и национального законодательства в сфере международных трудовых отношений // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. – Тошкент, 2006. –№1. – С.74.
8. Насырова Н. Правовые нормы международных организаций и национального законодательства в сфере международных трудовых отношений // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. 2006. №1. – С.74.



# МЕРОС ҲУҚУҚИ ВА ВОРИСЛИК АСОСЛАРИ

**Мерос — шахс вафотидан кейин унинг бошқа шахсга ўтиши мумкин бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларидир. Яъни фуқарога хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган уй-жой, автомашина ва бошқа мол-мулклар эмас, балки шу мол-мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқи мерос объекти сифатида мерос таркибига киради.**

Мерос ҳуқуқи мерос қолдирувчилар ўз мулкига нисбатан ўзининг вафотидан кейинги хоҳиш иродасини, шу билан бирга, унинг ҳаётлик вақтида мерос қолдирилаётган мол-мулкка нисбатан бўлган муносабатини ўзининг номидан васиятнома расмийлаштириш йўли билан тартибга солади.

Ворислик ҳуқуқи эса вафот этган (мерос қолдирувчи) шахс мол-мулкининг ворисларга ўтиши билан боғлиқ бўлган қонуний меъёрлар йиғиндиси бўлиб ҳисобланади.

Ворислик ҳуқуқи мерос ҳуқуқи мазмунини тўла ўз ичига олмасдан, балки унинг бир қисмини, фақатгина мерос мулкининг ворисларга ўтиш шарти ва тартибларини белгилайди.

Мерос таркибига фақат ашёларгина кирмасдан, балки мерос қолдирувчининг бошқа жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан бўлган ҳар хил қонуний талаблари ҳам киради. Масалан, мерос қолдирувчининг олиши лозим бўлган, лекин ололмай қолган иш ҳақи, муаллифлик ҳуқуқига бўлган ҳуқуқлари ва бошқалар.

Мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлиmidан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари, яъни мерос қолдирувчига тегишли бўлган хусусий мулк ҳуқуқи, кредит муассасаларида сақланётган омонатларга бўлган ҳуқуқи, мулк билан боғлиқ бўлган айрим номулккий ҳуқуқлардан ва мажбуриятлардан келиб чиқадиган талаб қилиш ҳуқуқи, деҳқон хўжалиги ер участкасига мерос қилиб қолдирилганидиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи мерос таркибига киради.

Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган мерос қолдирувчи билан қариндошлик муносабатларида бўлган шахслар қонун бўйича меросхўрлар доирасига киради, ҳамда қариндошлик доирасига қараб, Фуқаролик Кодексининг 1135-1141-моддалари талабига мувофиқ ворисликка чақирилади.

Қонун бўйича биринчи навбатдаги ворисларга мерос қолдирувчининг болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, эри ёки хотини ва ота-онаси тенг улушларда кирадилар ҳамда мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари, меросдан мажбурий улуш олиш тартиби қонунда аниқ белгиланган.

Қонунга кўра, ворислик – васият мавжуд бўлмаса ёхуд бутун мероснинг тақдирини белгиламаса, шунингдек ФҚда белгиланган бошқа ҳолларда амалга оширилади.

Васият бўйича ворислик мерос қолдирувчининг хоҳиши билан вужудга келади. Бунда мерос қолдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари меросхўрлар ўртасида тақсимланади. Ворисларни белгилаш фақатгина мерос қолдирувчининг истагига кўра амалга оширилади.

Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани ўз қўли билан имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан нотариус ёки қонунга мувофиқ васиятномани тасдиқлайдиган бошқа шахс ҳозир бўлганида васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганлигининг сабаблари кўрсатилган ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин.



**Зульфия  
БАБАДЖАНОВА,**  
Қорақалпоғистон  
Республикаси  
судининг судьяси

Васиятнома тузишда қонуннинг мазкур талабига риоя қилмаслик васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади.

Қонунларимизда фуқароларнинг мол-мулкни умрбод мерос қилиб олиш ҳуқуқи ҳам эътироф этилади ва қонун билан муҳофаза қилинади. Мерос қолдирувчига тегишли бўлган хусусий мулк ҳуқуқи, кредит муассасаларида сақланаётган омонатларга бўлган ҳуқуқ, шунингдек, мулк билан боғлиқ бўлган айрим номулккий ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳам мерос ҳуқуқининг объекти сифатида мерос мулки таркибига кириши мумкин.

Фақат мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга тегишли бўлган мол-мулк мерос ҳуқуқининг объекти бўлиши мумкин. Ўзбошимчалик билан қурилган уй-жой ва бошқа биноларга мулк ҳуқуқи вужудга келмаганлиги сабабли, мерос ҳуқуқининг объекти бўла олмайди.

Масалан даъвогар З.Қ. жавобгар А.С.га нисбатан меросхўр деб топиш ва мерос мулкдан улуш ажратиш тўғрисида даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Ишда аниқланган ҳолатларга кўра, низоли турар-жой 1968 йил А.С.нинг ота-оналари У.С. ва А.И.лар томонидан сотиб олинганда турар-жойга эгалик ҳуқуқи белгиланмаган ва кейинчалик улар томонидан қўшимча 2 хона ва даҳлиз қурилган.

Биринчи инстанция суди томонидан даъвогар З.Қ. тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича меросхўр деб топилиб, мерос мулкдан мерос улуш ажратиб бериш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Иш апелляция инстанция судида кўрилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилинган.

Чунки, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ўзбошимчалик билан қурилган ва мерос қолдирувчининг вафот этишига қадар тегишли тартибда расмийлаштирилмаган бино ва иморатларга нисбатан мерос қолдирувчининг вафотидан сўнг, тегишли ҳоқимият ёки суд томонидан мерос қолдирувчи номига эгалик ҳуқуқи белгиланиши билан мерос очилган ҳисобланади.

Амалиётда ишларнинг асосий қисмини мерос улушини ажратиш, меросни бўлиш ҳақидаги, васиятномаларни бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги низолар ташкил қилади.

Хулоса қилиб айтганда, шахс ўз хусусий мулкининг кейинги тақдирини ўзи ҳаётлигида белгилаши лозим. Мавжуд мерос ва ворисийлик билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрларимиз эса мероснинг очилиши, меросхўрлар доирасининг аниқланиши, меросни сақлаш, муҳофаза қилиш, бошқариш ва тақсимлаш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш, меросдан воз кечиш, ундан қилинадиган ҳаражатлар, уни эгасиз деб топиш ва бошқа мерос мулк билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқий кафолат бўлиб ҳисобланади.





**Давлатжон  
ХАБИБУЛЛАЕВ,**  
ТДЮУ кафедра муди-  
ри, ю.ф.н., профессор

## ЖАМОАВИЙ ДАЪВО ИШЛАРИ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

### МАСАЛАЛАРИ

**Маълумки, даъво – судга мурожаат қилишнинг процессуал шакли бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши натижасида ушбу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш (тиклаш) мақсадида вужудга келадиган жараён. Замоавий дунёда даъво ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг универсал воситаси ҳисобланади. Даъвони ҳуқуқни ҳимоя қилиш воситаси сифатида қўллаш самарадорлиги кўп жиҳатдан ушбу қадимий процессуал институтнинг кейинги назарий ва амалий ривожланишига боғлиқ.**

Биринчи навбатда, назарий жиҳатдан ушбу ҳуқуқий институтнинг турли номлари мавжудлигини таъкидлаш лозим бўлади. Мисол учун, Г.О.Аболонин уни “жамоавий даъво”<sup>1</sup>, В.В.Ярков эса – “гуруҳ бўлиб даъво қилиш” деб атайди<sup>2</sup>. Бизнинг фикримизча, “жамоавий даъво” деб аташ мақсадга мувофиқ.

Ушбу ҳуқуқий институтнинг моҳияти ҳуқуқшунос олимлар орасида ҳам турлича таърифланади. Г.О.Аболонин “жамоавий даъво” — пул суммасини ундириш талабини ўз ичига олган ва бузилган ҳуқуқни тиклаш бўйича умумий талабга асосланган кўплаб шахслар гуруҳи номидан судга қилинган ёзма мурожаат деб ҳисоблайди.

В.В.Ярков эса “жамоавий даъво” — иш қўзғатиш вақтида номаълум бўлган бир гуруҳ шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш имконини берадиган процессуал институт деб қайд этса Д.А.Фурсов “жамоавий даъво” — деб аҳолининг катта гуруҳи манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган даъво тушунилишини таъкидлайди<sup>3</sup>.

Н.М.Коршуновнинг фикрича, “жамоавий даъво”ни бир хил талабларга эга бўлган шахсларнинг даъвоси, уларнинг доираси ариза бериш вақтида аниқланмаган, аммо барча манфаатдор шахсларни хабардор қилиш орқали белгиланиши мумкин<sup>4</sup>.

Юқоридаги таърифлардан келиб чиқиб, жамоавий даъвонинг куйидаги асосий хусусиятларини таъкидлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

- бир ёки бир нечта шахс гуруҳ бўлиб судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Булар жисмоний ва юридик шахслар, айрим ҳолларда эса давлат органлари, ташкилотлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиши мумкин;

- судга даъво билан мурожаат қилган шахс(лар), қоида тариқасида, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган шахслар гуруҳининг бир қисмидир;

- жамоавий даъволар муайян шахслар гуруҳининг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган;

- даъволар ва эътирозлар гуруҳининг барча аъзолари учун бир хил, яъни даъвонинг умумий предмети бўлиши керак;

- жамоавий даъво бўйича чиқарилган суд қарори суд жараёнида иштирок этмаган субъектларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жамоавий даъво тушунчасига куйидагича таъриф бериш мумкин. Жамоавий даъво — бир хил низо предмети ва асосига эга бўлган бир гуруҳ шахслар томонидан тақдим этилган ҳужжат бўлиб, унинг асосий хусусияти муштарак мақсадга эга бўлган шахсларнинг бутун гуруҳини ҳимоя қилишга қаратилган.

Жаҳон амалиётида жамоавий даъвонинг оммавий, ташкилий ва хусусий каби бир неча турлари мавжуд. Хусусий тусдаги жамоавий даъво фуқаро ёки ташкилот томонидан тақдим этилади ва уларнинг номидан судда иштирок этади. Бунда судга ишончнома тақдим қилиш шарт эмас. Оммавий тусдаги жамоавий даъволар муайян шахслар гуруҳининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун давлат ҳокимияти органи томонидан берилади. Ташкилий тусдаги даъво ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасида фаолият юритадиган ихтисослаштирилган жамоат ташкилоти томонидан ушбу соҳада ҳуқуқлари бузилган фуқаролар ёки ташкилотларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун тақдим этилади<sup>5</sup>.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда жамоавий даъволар бўйича ишларни судда кўриб чиқиш амалиёти йўлга қўйилган бўлса-да, ушбу жараённинг ҳуқуқий асоси, тартиби қонун билан батафсил ва аниқ белгиланмаган. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 50- 52-моддаларига мувофиқ прокурор ёки адлия органлари фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари билан боғлиқ низолар юзасидан бир нечта ходимнинг манфаатини кўзлаб судга даъво аризаси билан мурожаат этишлари мумкин бўлиб, бунда қонуний жиҳатдан таъқиқлар мавжуд эмас.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмоличларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунини 29-моддасига мувофиқ, истеъмоличлар ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ даъволар бўйича истеъмоличларнинг жамоат бирлашмалари

истеъмолчининг (истеъмолчиларнинг) манфаатларини кўзлаб судга мурожаат қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 281-моддасида меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларни, шу жумладан иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан қабул қилинган жамоа шартномалари, келишувлари, локал ҳужжатларнинг қўлланиш хусусидаги жамоаларга доир меҳнат низоларининг суд тартибида кўриб чиқиши лозимлиги белгиланган ва меҳнат низоларини судлар тарафлардан бирининг аризаси асосида кўриб чиқади.

Мавжуд процессуал аъноаларга асосланган ҳолда турли ҳуқуқий тизимларда жамоавий мурожаат этиш институти турлича тушунилади.

Жамоавий мурожаат этиш процессуал институтининг вужудга келиши турли мамлакатларда бир хил кечмаган.

Мисол учун Буюк Британияда гуруҳ бўлиб даъво билан мурожаат қилиш институти XVII асрда Адолат судлари томонидан ихтиро қилинган<sup>6</sup>. Ушбу мамлакатда бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун дастлаб шериклик ва вакиллик хусусиятларини бирлаштирган вакиллик даъвоси ишлатилган. Ҳозирги вақтда Англияда бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг вакиллик ва жамоавий даъволари каби икки йўли мавжуд.

Фуқаролик суд ишларини юритиш қоидаларининг 19.10-моддасида жамоавий даъвони тақдим этишга гуруҳ учун ҳуқуқ ва юридик фактнинг умумий масалалари каби процессуал асослар белгиланган:

Инглиз судида иш юритишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, низони мазмунан муҳокама қилишдан олдин жамоавий даъво кўзга-тишни истаган аризачи судга ариза эмас, балки илтимоснома юборади (ФСЮОҚ-23 моддаси). Илтимоснома даъво аризасидан олдин ёки кейин даъвогар ёки жавобгар томонидан исталган вақтда тақдим қилиниши мумкин.

Агар умумий ҳуқуқ асосидаги мамлакатлар қонунчилигига мурожаат қилсак, жамоавий даъволар барча тоифадаги низолар бўйича тақдим этилиши мумкин. Континентал ҳуқуқ асосидаги мамлакатларда жамоавий даъволарни қўллаш бир ёки бир нечта соҳа билан чекланган. Мисол учун, Францияда жамоавий даъволар истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини, меҳнат ҳуқуқларини, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек монополияга қарши қонунлар билан боғлиқ масалалар бўйича берилиши мумкин.

Германияда жамоавий даъво қилиш институтидан фақат қимматли қўғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, истеъмолчиларни ҳимоя қилиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ишларни кўриб чиқишда фойдаланилади. Испания, Швеция, Белгия, Бразилияда жамоавий даъволарни

қўллаш доираси истеъмолчиларни ҳимоя қилиш ва монополияга қарши қонунлар билан боғлиқ масалалар билан чекланган<sup>7</sup>.

2019 йилнинг 1 октябрь кунидан бошлаб, Россия Федерациясининг Фуқаролик процессуал кодексига жамоавий даъволар ҳақида "Бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ишларни кўриб чиқиш" номли янги боб киритилди. Тегишли ўзгаришлар 2019 йил 18 июлдаги №191-ФЗ-сонли Федерал қонуни билан амалга оширилди.

Хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, миллий фуқаролик процессуал қонунчиликни ҳам такомиллаштириш лозим деб ҳисоблаймиз. Жумладан, амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига "Бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ишларни кўриб чиқиш" номли янги боб киритиш даври етиб келди. Мазкур ўзгаришларнинг киритилиши судларда жисмоний ва юридик шахслар гуруҳлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини жорий этиш, барча тоифадаги фуқаролик низолари бўйича бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шу жумладан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, зарарни қоплаш тўғрисидаги ишларни судда кўриб чиқишни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган.

Шундай қилиб, фуқаролар ва юридик шахслар ўзларининг манфаатларини судда нотариал тасдиқланган ишончномасиз ваколатли шахс орқали ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлади. Шу билан бирга, судлар кўплаб бир хил даъволарни кўриб чиқиш заруратидан озод қилинади, бу эса ишларни сифатли ва тезкор кўриб чиқишга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, тақлиф этилаётган янги процессуал ҳуқуқий институт бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг процессуал тартибини бирлаштиришга имкон беради, бу эса ўз навбатида бир хил суд амалиётини шакллантиришга ёрдам беради.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аболонин Г.О. Групповые иски в российском арбитражном процессуальном законодательстве - перспективы развития // Арбитражный и гражданский процесс. 2011. № 3. -С. 43-47.
2. Ярков В.В. Новые формы исковой защиты в гражданском процессе (групповые и косвенные иски) // Государство и право. 1999. № 9.
3. Гражданский процесс : учебник / Под. ред. Н.М. Коршунова. М., 2015. -928 с.
4. Самсонов Н.В. Некоторые вопросы развития системы принципов российского гражданского судопроизводства // Современная научная мысль, 2017. № 6. -С. 279-284.
5. Малешин Д. Я. Гражданская процессуальная система России. М.: Статут, 2011. 205 с.
6. Вафин Я. Особенности гражданского судопроизводства по групповым искам в Англии // Арбитражный и гражданский процесс. 2019. № 8. -С.26.
7. Малешин Д. Я. Гражданская процессуальная система России. М.: Статут, 2011. 496 с.



**Севара ГАФУРОВА,**  
Жаҳон иқтисодиёти ва  
дипломатия университети  
докторанти

# ДИАСПОРА ДИПЛОМАТИЯСИ

## АННОТАЦИЯ:

мазкур мақолада чет давлатлардаги ватандошлар билан ишлаш жараёнлари, уларнинг консуллик амалиётидаги ўрни каби муҳим масалалар ёритилган. Муаллиф ватандошлар ҳамда улар билан яқин мулоқот қилиш пировардида инсон қадри улугланган ҳуқуқий инсонпарвар жамиятни шакллантириш каби мақсад туришини таъкидлаган. Шунингдек, мазкур масалани ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан мунтазам тадқиқ этиш муҳим деган хулосага келинган.

**Калит сўзлар:** консул, консуллик фаолияти, ватандош, диаспора, консуллик муассасаси.

## АННОТАЦИЯ:

в данной статье освещены такие важные вопросы, как процесс работы с соотечественниками за рубежом и их роль в консульской практике современности. Автор подчеркивает, что целью подобных мероприятий является формирование гуманного общества, основанного на верховенстве права и человечности, а также тесной связи с ними. Вместе с тем, автор приходит к выводу о важности изучения данного вопроса на регулярной основе как в научном, так и в практическом плане.

**Ключевые слова:** консул, консульская деятельность, соотечественник, диаспора, консульское учреждение.

Хар бир мамлакатнинг консуллик хизмати фаолияти халқаро аҳамият касб этадиган, барча давлатларнинг ташқи сиёсий манфаатларига дахлдор ҳуқуқий жараён экани ҳозирги кунда жаҳонда содир бўлаётган жадал ўзгаришлар, жумладан, миграциянинг ривожланиши, халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва халқаро инвестицияларнинг ортиши, пандемия ҳамда унинг асоратлари, чет давлатларда доимий яшаётган ватандошлар билан ишлашнинг долзарблиги билан белгиланади.

Бунда консуллик муассасалари ўз ваколатлари доирасида хорижий мамлакатлардаги жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини ҳимоялайдилар ва ҳуқуқий кўмак кўрсатадилар. Зеро, мамлакатимизда ташқи сиёсий ва иқтисодий устуворликни жаҳон майдонида тарғиб қилиш учун олиб борилаётган сиёсий-дипломатик чора-тадбирларнинг натижалари Ўзбекистон Республикасининг хориждаги жисмоний ва юридик шахслари манфаатлари ҳимоясини таъминлаш ва улар билан ўзаро алоқалар ўрнатишнинг самарадорлиги билан белгиланади<sup>1</sup>.

Дунё давлатлари ўртасида халқаро алоқалар мунтазам такомиллашиб бораётганини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси сўнгги пайтларда халқаро ҳуқуқий муносабатларни фаоллаштирмоқда ва кенгайтирмоқда. Қатор хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун визасиз кириш тартибини жорий қилишлари, мамлакатимизда олиб борилаётган меҳнат миграцияси соҳасидаги чора-тадбирлар, чет давлатлардаги ватандошларимиз билан ишлаш фаолиятининг жадаллашуви бунинг ёрқин мисолидир. Ўз навбатида, айтиб ўтилганларнинг барчаси консуллар фаолиятида ҳам ўзига хос масъулиятни оширади. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ, консуллик идоралари зиммасига хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик ўрнатиш ва уни ривожлантириш соҳасида дуч келаётган муаммоларни тизимли асосда таҳлил қилиб бориш ва уларнинг ечими юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш вазифаси юклатилган<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет давлатлардаги ҳуқуқий мақомини ўрганиш ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати масалалари устида ишлаш долзарбдир. Бошқача қилиб айтганда, шахс ва фуқаронинг жамиятдаги ҳуқуқий мақоми масаласи мураккаб ва кенг қамровли конституциявий-ҳуқуқий институт экани, агар бунга чет давлатлардаги фуқаролар ҳуқуқий мақомини белгилаш нуктаи назаридан қаралса, жамият тараққиётидаги бирламчи муҳим масала экани яққол намоён бўлади.

Хорижий давлатлардаги ватандошларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини эътироф этиш дегани, бу масала



тўлиқ ўз ечимини топганини билдирмайди. Бунинг учун амалий механизм зарур. Зеро, ҳуқуқ фақат у амалга ошгандагина шахс ва жамият учун кадр-қимматга эга бўлади<sup>3</sup>.

Баъзи давлатларда, хусусан Францияда чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солишчи меъёрлар халқаро хусусий ҳуқуқ тизимига киритилган<sup>4</sup> бўлса, қатор давлатларда чет эл фуқароларининг ҳуқуқлари маъмурий ҳуқуқ тизими нормалари билан тартибга солинади. Германия каби айрим давлатларда эса чет эл фуқаролари тўғрисида алоҳида қонунлар жорий қилинган<sup>5</sup>. Россияда чет давлатлардаги ватандошларига оид “Россия Федерациясининг давлат сиёсати тўғрисида”ги 1999 йил 24 майда қабул қилинган Федерал қонуни<sup>6</sup> мавжуд.

Шу ўринда “ватандошлар” атамасига эътибор берайлик. Мазкур атама баъзи давлатлар, жумладан Европа Иттифоқи давлатларида ва Россия қонунчилигида кенг қўлланилади. Бунда мазкур давлатлар ўз давлати фуқаролигига мансуб бўлмаса-да, шахснинг миллатга мансублиги элементини ҳам юридик далил сифатида қабул қиладилар ва бу шахсларни ҳам ўз консуллик ҳимояси доирасига киритадилар.

Халқаро ҳуқуқда давлат ўз фуқароларини қонун ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига зид бўлмаган ҳар қандай воситалар билан ҳимоя қилиши кўзда тутилган.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрида Олий Мажлисга Мурожаатида илгари сурилган “Ватандошлар” жамғармасини тузиш бўйича ташаббусини амалга ошириш мақсадида “Ватандошлар” жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида”ги 2021 йил 11 августдаги ПҚ-5220-сонли қарори қабул қилинди. Олиб борилган ҳуқуқий-амалий ва тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида кўплаб ватандошларимиз юртимизга қайтиб, турли соҳалар ривожига ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Хусусан, улар сафидан кўплаб юқори малакали мутахассислар давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги ижро ҳокимияти ҳамда бошқа ташкилотларда фаолият юритмоқда. Бундан ташқари 30 дан зиёд хорижий давлатларда истиқомат қилаётган салоҳиятли инвесторлар, малакали мутахассислар, халқаро ташкилотлар вакиллари, олим ҳамда иқтисодори талабалардан иборат 480 дан ортиқ ватандошларимизнинг рўйхати шакллантирилди<sup>7</sup>.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари жойлашган мамлакатларда ва уларнинг консуллик округига кирувчи давлатларда қатор диаспорал ташкилотлар, миллий – маданий марказлар фаолият юритмоқда. Ваколатхоналаримиз ана шу каби тузилмаларнинг 150 дан ортиғи билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Маданий марказлар қатори диаспорал ташкилотлар билан ишлашнинг ҳам афзал тарафлари ўрганилмоқда.

Шу ўринда диаспора дипломатияси хусусида. Диаспора бу — бирор мамлакат халқи ёки жамиятининг

мамлакатдан ташқарида жамланган бир қисмидир. Тарихдан диаспоралар ўз давлати ва улар бўлиб турган давлат маъмурияти ўртасида дўстлик кўприғи бўлгани, қатор ижтимоий ва сиёсий ҳодисаларга ижобий таъсир кўрсатганини кузатиш мумкин. Сўнгги йилларда давлатлар ташқи сиёсати шаклланишининг объектив ва субъектив жиҳатларини ва унда диаспоралар ролини ўрганишга долзарб тадқиқотлардан бири сифатида қаралмоқда<sup>8</sup>.

Глобаллашув жараёни билан боғлиқ ўзгаришлар консуллик фаолиятининг дипломатиядаги аҳамиятини янада оширмоқда. Давлатлар муаммоларнинг дипломатик даражага етиб боришининг олдини олиш мақсадида уни консуллик даражасида ҳал этишни лозим биладилар. Бу консуллик даражасидаги дипломатиянинг муҳим кўринишидир.

### Юқоридагилардан келиб чиқиб:

- консуллар ва фахрий консуллар институти фаолиятини йўлга қўйиш, чет давлатлардаги ватандошлар билан доимий мулоқотлар ўрнатиш ва улар дуч келаётган муаммоларни таҳлил қилиш;
- хорижий давлатлардаги ўзбек диаспоралари масалаларига масъул идоралар билан консултиватив ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантириш;
- хорижий давлатларда фаолият юритаётган консуллик идораларини ватандошларимизнинг кўп қисми яшайдиган ҳудудларда очиш каби тақлифларни илгари суриш мумкин.

Мамлакатимиздан йироқда умргузаронлик қилаётган ватандошларимиз билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилиши юртимиз тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги Ф-5154-сон Фармойиши.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони.
3. Батафил қаранг.: Алексеев С.С., Архипов С.И., Игнатенко Г.В. и др. Теория государства и права: Учеб. для вузов / Отв. ред. В.Д. Перевалов. 3-е изд., изм-ен, и доп. 2004. М.: Норма, С. 291.
4. Электрон манба: <http://lawtoday.ru/razdel/biblio/mejdu-4asprav/025.php> Сўнгги мурожаат: 20.03.2018г.
5. Электрон манба: <http://www.partner-inform.de/partner/detail/2011/6/175/4921/mozhno-li-nadolgo-vyezhat-iz-germanii> Сўнгги мурожаат: 20.03.2018й.
6. Электрон манба: <http://www.kremlin.ru/acts/bank/13875> Сўнгги мурожаат: 20.03.2018й.
7. Хамраев Э.Ж. “Ватандошлар билан ишлаш ва меҳнат мигрантларини қўллаб – қувватлаш мамлакатимиз равнақига хизмат қилади” // “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳарририга эксклюзив интервью. 2021 йил 20 январь. “Янги Ўзбекистон” газетаси ва унинг веб-сайти <https://bit.ly/3cfvxl2>.
8. Торреальба Альфредо Альфонсо. “Три основных подхода диаспоральной дипломатии во внешней политике”//Актуальные проблемы экономики и Права. Издательство: Татарский центр образования “Таглитат” (Казань). 2017. № 2 (42). Стр. 154-169.



**Ислом Жўраев,**  
Тошкент давлат  
юримдик универси-  
тети мустақил  
изланувчиси

## МАСОФАВИЙ МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ

### АННОТАЦИЯ:

мазкур мақола меҳнат шартномасининг янги – масофавий ходимлар билан тузиладиган тури хусусиятларини очиб беришга бағишланган. Унда ушбу шартноманинг мазмуни ва унинг назарий муаммолари, бошқа шартномалардан фарқ қилувчи ўзига хос жиҳатлари ҳамда уни тузишнинг алоҳида тартиби билан боғлиқ қоидалар кўриб чиқилган. Шунингдек, стандарт меҳнат шартномаси учун хос бўлган зарурий ва қўшимча шартларнинг рўйхати масофавий меҳнат шартномаси учун турлича бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** масофавий меҳнат, масофавий ходим, меҳнат шартномаси, ноанъанавий меҳнат шартномаси, меҳнат шартномасининг мазмуни, унинг шартлари, электрон ҳужжат алмашинуви.

Дунёда глобал рақобатнинг кучайганлиги, технологик тараққиётнинг жадаллашуви, ижтимоий-иқтисодий ўсишда, инновация ва иқтисодни ривожлантиришда инсон омили ролининг ортиши ҳамда хом-ашё экспортига асосланган иқтисодий ривожланиш моделининг эскириши каби ҳолатлар жамиятимиз ҳаётини ўзгартиришни талаб қилмоқда. Ва айтиш мумкинки, бундай вазиятда ижтимоий-меҳнат муносабатлари ҳам эврилишни бошидан кечиряпти. Бу каби ўзгариш ғайриодатий бандлик, ноанъанавий ва барқарор бўлмаган меҳнат муносабатларининг аҳамияти ортганлиги туфайли юз бермоқда. Мана шундай ноанъанавий меҳнат муносабатларидан бири —масофавий меҳнат аста-секин кундалик ҳаётимизга кириб келмоқда.

Мамлакатимизда меҳнат қонунчилигини янгилаш жараёни масофавий меҳнатнинг вужудга келишида асосий омиллардан бири бўлди дейиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасида биринчи марта масофавий меҳнат билан боғлиқ қоидалар (26-боб 3-параграф 452-490-моддалар)да ўз аксини топди.

Қолаверса, коронавирус пандемияси билан боғлиқ ҳолда турли чекловларнинг киритилиши иккинчи сабаб ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2020 йил 25 мартдаги 9-2020/Б-сон буйруғида масофавий иш усулини қўллаш билан боғлиқ дастлабки қоидалар мустаҳкамланди.

Масофавий меҳнат, ноанъанавий бандлик, меҳнатнинг ғайриодатий кўриниши ҳисобланишидан қатъи назар у меҳнат муносабатлари бўлиб қолаверади. Шу сабабли масофадан ишловчи ва иш берувчи ўртасидаги муносабатлар меҳнат шартномаси асосида вужудга келади. Мазкур турдаги келишув анъанавий шаклдаги меҳнат шартномасидан ўзига хослиги билан фарқланади. Бундай тафовут уларнинг ностандартлиги билан тавсифланади. Бу эса масофавий меҳнат шартномасини назарий жиҳатдан тадқиқ этишни талаб қилади.

Таъкидлаш керакки, масофадан ишловчи ходимлар билан тузиладиган меҳнат шартномасининг хусусиятлари бўйича мамлакатимизда махсус тадқиқотлар мавжуд эмас. Фақат масофавий ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича эълон қилинган илмий ишларда меҳнат шартномаси билан боғлиқ айрим фикр-мулоҳазалар учрайди. Масофавий ходимлар билан тузиладиган меҳнат шартномасининг хусусиятларига оид тадқиқотлар бошқа ҳамдўстлик давлатлари қонунчилигида нисбатан яхши тадқиқ этилган. Боиси ўтган ўн-ўн беш йилда ушбу давлатларнинг меҳнат қонунчилигига масофавий меҳнатни тартибга солиш билан боғлиқ янги қоидалар кириб келганлигидир.

Ҳуқуқшунос олим И.А.Коссовнинг қайд этишича, бундай хусусият меҳнат шартномасининг мазмуни билан боғлиқ. Олимнинг фикрича ушбу хусусиятларга қуйидагилар киради:

**биринчидан,** масофавий ходим билан тузиладиган меҳнат шартномасига ишнинг масофавий тусга эга эканлиги ҳақидаги шарт киритилиши лозим. Мазкур шарт орқали масофавий ходим мақомининг ўзига хослиги белгиланади ва унга нисбатан махсус меъёрларни қўллашнинг қонунийлиги таъминланади;



**иккинчидан,** меҳнат шартномаси электрон ҳужжатлар алмашиш орқали тузилганда уни тузиш жойи сифатида иш берувчи турган жой кўрсатилиши лозим;

**учинчидан,** шартномада унинг тарафларига бир-бирига юборилган электрон ҳужжатларни олганликни тасдиқлаш муддати аниқ белгиланиши лозим.

Ҳуқуқшунос олим В.Степановнинг фикрича, масофавий ходимлар меҳнат шартномасининг яна бир хусусияти унинг тарафларига намунавий меҳнат шартномасига қараганда шартнома шартларини белгилаш бўйича кенг имкониятлар берилиши ҳисобланади. Бу борада рус олимлари Ю.В.Васильева ва С.В.Шуралеваларнинг масофавий меҳнат шартномаси шартларини таснифлаш ҳақидаги фикрлари эътиборга лойиқ. Уларнинг қайд этишича, масофавий меҳнат шартномасининг зарурий шартларига ишонч билан меҳнат вазифаси ва меҳнатга ҳақ тўлаш ҳақидаги шартларни киритиш мумкин. Масофавий меҳнатда иш берувчи ва ходимнинг ўзаро алоқалари интернет тармоғи орқали бўлганлиги учун иш жойини назорат қилиш банди ўзининг зарурий шарт сифатидаги аҳамиятини йўқотади. Чунки назария ва амалиётда иш жойи одатда меҳнат шартномаси тузилган аниқ бир корхона билан боғланган бўлади. Таъкидлаш лозимки, иш жойи бўйича муносабат европа давлатларида бошқача ифодаланган. Масалан, европа намунавий меҳнат шартномасида қайд этилишича, агар ходимнинг доимий иш жойи бўлмаса, иш берувчи ходим ишлайдиган турли жойларни ва ўз бизнеси қаерда рўйхатдан ўтган бўлса ўша ерни кўрсатиши лозим.

Юқоридаги олимларнинг фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқиб "иш жойи" зарурий шарт сифатида ўз аҳамиятини йўқотади деган ҳулоса қилиш мумкин. Бироқ, бизнинг фикримизча бундай эмас. Негаки, Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси лойиҳасининг 452-моддасидаги масофавий меҳнатга берилган таърифга кўра меҳнат жараёни стационар иш жойидан ташқарида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси амалдаги Меҳнат кодексининг 73-моддасида эса иш жойи (корхона ёки унинг бўлинмаси) зарурий шарт сифатида қайд этилган. Ушбу қоидадан келиб чиқсак, мазкур иш жойи "ходим меҳнат қилаётган ташкилот" сифатида ўз аҳамиятини йўқотмайди. Шу сабабли масофавий ходимлар учун меҳнат шартномасидаги "иш жойи" зарурий шарт сифатида аҳамиятини йўқотмаслиги лозим. Бундан ташқари, масофавий меҳнат иш берувчи ҳудудидан ташқарида ва ахборот технологияларидан фойдаланиб амалга оширилишини инобатга олиб (хорижда ҳам иш бажариш мумкинлиги) коллизия қоидаларни ишлаб чиқишга ҳам эҳтиёж туғилади. Шу сабаб-

ли масофавий меҳнат шартномасига келишув қайси давлат ҳудудида тузилганлигини билдириб турувчи шартли белгиларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ.

**Ушбу шартноманинг қўшимча шартлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси лойиҳасининг 456-моддаси бешинчи қисмида зарурий ва қўшимча шартлар билан бир қаторда қуйидаги, фақат масофавий меҳнат шартномаси учун хос бўлган қўшимча шартлар ҳам киритилиши белгилаб қўйилган:**

масофавий иш жадвали – масофавий иш режимидаги ходим иш кунлари ва иш соатларининг сони ва даврийлиги;

амалга ошириладиган вазифалар ва уларнинг ижроси тўғрисида ахборот алмашиш усуллари;

масофавий ишнинг аралаш тартиби белгиланганда стационар иш жойида ишлаш ва масофадан туриб ишлаш даврлари, шунингдек уларнинг навбатчилиги;

масофавий ходим томонидан меҳнат вазифасини амалга ошириш учун тегишли асбоб-ускуналар ёки техник воситалар зарур бўлса, уларни бериш ва асбоб-ускуналарни ёки техник воситаларни таъмирлашни амалга оширишга доир мажбуриятлар тартиби;

иш берувчи ходимнинг зарур алоқа воситалари, шу жумладан Интернет тармоғидан фойдаланишини таъминлаш;

иш берувчи томонидан ходимга топширилган ускуналар ёки техник воситаларнинг ходим томонидан бузилганлиги туфайли унга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш шартлари;

меҳнат мажбуриятларини бажариш жараёнида ходим ўзига тегишли асбоб-ускуналар, техник воситалар ёки алоқа воситаларидан фойдаланганда харажатларнинг ўрнини қоплаш тартиби ва шартлари;

**Ҳикматни кўзи оғиз  
кишидан ол. У қўлида-  
ги ҳассаси билан ерни  
пайнаслаб, аниқлаштириб  
олмагунича у жойга оёғини  
қўймайди.**

**Тавфиқ ҲАКИМ**



юклатилган вазифаларни меҳнат шартномасида белгиланган муддатларда бажариш имконияти бўлмаган тақдирда, ходимнинг ишларни ўз вақтида бажаришига монелик қилаётган сабабни кўрсатган ҳолда иш берувчини хабардор қилиш мажбурияти.

Албатта ушбу моддада берилган рўйхат анча батафсил ва улар масофавий меҳнат шартномаси учун хос эканлиги билан ажралиб туради. Ушбу қонунчилик масофавий ходимлар учун хос бўлган масалалар юзасидан тарафларнинг келишувига ҳавола қилади. Шу сабабли Меҳнат кодекси лойиҳасининг 456-моддасидаги шартларни легал ва тасодифий (кўшимча) шартларга киритиш мумкин.

Масофавий ходимлар билан тузиладиган меҳнат шартномасининг яна бир хусусияти унда тарафлар келишуви билан мазкур шартномани бекор қилишнинг кўшимча асосларини белгилаш мумкинлигидир. Меҳнат кодекси лойиҳасининг 456-моддаси олтинчи қисмига кўра, “Масофадан туриб ишловчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасида бошқа шартлар, шу жумладан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун кўшимча асослар ҳам назарда тутилиши мумкин”. Таъкидлаш лозимки, масофавий ходимлар билан кўшимча асосларга кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш анча мунозарали ҳисобланади. Ҳуқуқшунос олим Н.Л.Лютовнинг фикрича, бундай асос масофавий ходимларни бошқа айрим тоифадаги ходимларга қараганда камситади. Масофавий ходимлар учун меҳнат шартномасини бекор қилишнинг кўшимча асосларини киритиш учун ҳеч қандай объектив сабаблар мавжуд эмас.

#### **Масофавий ходимлар билан тузиладиган меҳнат шартномасини ўрганиш натижа-сида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:**

■ масофавий меҳнат шартномасида иш жойи деганда, иш берувчининг ҳудудидан ташқарида жойлашган ҳар қандай жой тушунилиши лозим. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 73-моддасида белгиланган иш жойи (корхона ёки унинг бўлинмаси) тушунчаси қайта кўриб чиқилиб, “иш жойидан ташқари бошқа жойларни ҳам” тарзда таҳрир қилиш лозим;

■ масофавий ходим ҳар доим муайян корхона билан боғланганлиги сабабли “иш жойи”ни меҳнат шартномасининг зарурий шартлари рўйхатидан чиқариб ташлаш ҳақидаги баъзи олимларнинг фикр-мулоҳазалари қўллаб-қувватланмайди. Меҳнат шартномасида ҳар доим ходим боғланиши мумкин бўлган жой (виртуал боғланиши керак бўлган жой, бизнес субъекти сифатида рўйхатдан ўтган жой) асосий талаб сифатида сақлаб қолиниши лозим.

■ масофавий меҳнат иш берувчи ҳудудидан ташқарида ва ахборот технологиялардан фойдаланиб амалга оширилганлиги боис ходимнинг мамлакат ҳудудидан ташқарида бўлиш эҳтимоли (фрилансерларга ўхшаб) ҳар доим бўлади. Масофавий ходимлар билан меҳнат шартномаси тузишда коллизия ҳуқуққа оид қоидаларни ҳам ишлаб чиқиш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан, аввало, намунавий – масофавий меҳнат шартномаси ишлаб чиқилиши ва унда шартноманинг қайси давлатга тааллуқлилиги ҳақида белги ёки маълумот киритилиши лозим. Бу эса мазкур шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайси мамлакат қонунчилиги билан тартибга солинишини ҳам белгилаб беради.

Масофавий ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг кўшимча асосларини киритиш мумкинлиги ҳақидаги қоидаларни бекор қилиш талаб этилади. Чунки, масофавий ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳеч қандай объектив асосга эга эмас ҳамда бу меҳнат муносабатларида камситиш ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. <https://regulation.gov.uz/ru/d/8978>.
2. <https://lex.uz/docs/4770761>.
3. <https://lex.uz/docs/4776265>.
4. Исмоилов. Ш.А. Айрим тоифадаги ходимлар меҳнати-ни ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари. Юрид. фан-лар докт. диссертация. –Т.: ТДНУ, 2020.
5. Трудовой кодекс Российской Федерации. – М.: Прос-пект, 2019. Глава 491; Трудовой кодекс Республики Казахстан. – Алматы: Юрист, 2019. Ст.138.
6. Коссов И.А. К вопросу о содержании и особенностях заключения трудового договора с дистанционным работ-ником. Вестник РГГУ. 2016. №1. –С.111.
7. Степанов В. Дистанционные работники – новая катего-рия работников в российском трудовом праве//Трудовое право. 2013.№6. –С.13.
8. Курс российского трудового права.Т.3.Трудовой до-говор/ под. ред. Е.Б.Хохлова. СПб.: “Юрид.центр Пресс”, 2007. –С.656.
9. Васильева. Ю.В. Шуралева. С.В. Содержание трудового договора о дистанционной работе: теоретические аспекты. Вестник Пермского университета. №2(28). –С.91-92.
10. <https://regulation.gov.uz/ru/d/8978>.
11. Лютов. Н.Л. Дистанционный труд: опыт европейского союза и проблемы правового регулирования в России // Lex Russica. 2018. №10 (143). –С.35.



# ҚУРИЛИШ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛМАСЛИК АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛАР НОРОЗИЛИГИНИНГ БОШ САБАБЧИСИ



**Камол НАМАЗОВ,**  
Сирдарё вилоят суди  
фуқаролик ишлари  
бўйича судьяси

**Қурилиш билан боғлиқ жараёнларда баъзи бир кўзбўямачиликлар, қонунни четлаб ўтиш ҳолатлари юз бермоқда. Агар фуқаро ноқонуний қурилиш қилса уни ҳуқуқий онги етмаганлиги билан ҳаспўшлаш мумкиндир, аммо давлат ташкилотлари бундай хатога йўл қўйса уни нима билан изоҳлаш мумкин? Шу ўринда айни жараён билан боғлиқ бир суд маҳкамасининг тафсилотларига мурожаат этамиз.**

Даъвогар Сирдарё вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жавобгар А.Д.га (исм ва фамилия ўзгартирилган) нисбатан судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, унда Гулистон шаҳар, “Навбаҳор” МФЙ, Хондамир кўчасида жойлашган, жавобгар А.Д. томонидан қурилган бинони ўз ҳисобидан буздиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг 2021 йил 14 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъво ариза қаноатлантирилган.

Унга кўра, жавобгар А.Д. томонидан Гулистон шаҳар Хондамир кўчасида олиб борилган, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектига эга бўлган уч қаватли ноқонуний қурилмалар жавобгар А.Д. ҳисобидан мажбурий тартибда буздирилиши;

жавобгар А.Д.дан даъвогар Сирдарё вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси фойдасига тўланган 490.000 сўм давлат божи 17.000 сўм почта харажати, жами 507.000 сўм ундирилиши белгиланган.

Сирдарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 30.11.2021 йил 30 ноябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз, апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилган.

Аниқланишича, 2019 йил 30 сентябрдаги Гулистон шаҳар ҳокимининг 2355-сонли қарорига асосан жавобгар А.Д.га Гулистон шаҳар Хондамир кўчаси ҳудудидаги 14х12 кв.м ер майдони (0.0168га) да қурилиш ишларини олиб боришига рухсат берилган.

Гулистон шаҳар ҳокимининг 2020 йил 7 ноябрда 429-сонли қарори билан Гулистон шаҳар ҳокимининг 2019 йил 30 сентябрда №2355-сонли қарорига ўзгартириш киритилиб, жавобгар А.Д.га бино қуриш учун рухсат бериш бўйича ер ажратилиши кўрсатилган.

Мазкур қарорларнинг илова ҳужжатларидаги бино ер харитаси Гулистон шаҳар қурилиш бўлими бошлиғи томонидан имзоланган ва “Келишилди” жумла билан корхона муҳри орқали тасдиқланган.

Лекин, фуқаро А.Д.га ер участкаси ажратишга оид қарорларнинг қонунийлиги ўрганилганда шаҳар ҳокимининг қарорига асосан А.Д.га бино қуриш учун ер майдони ажратилиши белгиланган бўлса-да, қарор билан ажратилган ер майдонининг жойлашуви бошқа фуқарога тегишли ер майдони чегарасидан

бошланиб, Алламуратова кўчаси муҳофаза ҳудудига 6,2 метр кирган ҳолда тугаши, мазкур ҳудудда эса шаҳар Бош режасига асосан пиёдалар йўлакчаси ва ободонлаштириш майдони бўлиши лозимлиги, “Ўз-шаҳарсозликЛИТИ” ДУКнинг Гулистон шаҳар Хондамир кўчаси ва унга туташ бўлган кўчаларнинг қизил чизиги ҳамда муҳофаза майдонларини белгилаш бўйича батафсил режалаштириш лойиҳаси асосида Алламуратова кўчаси кенглиги 30 метр этиб белгиланган бўлса-да, А.Д. томонидан қурилиш чизигидан 6.20 метр чиққан ҳолда бино қурилиш ишлари олиб борилаётганлиги, жавобгар А.Д. ўзгага тегишли бўлган ер майдонида ноқонуний равишда қурилиш ишлари амалга оширилганлиги аниқланган.

Вилоят қурилиш бош бошқармаси талабнома асосида А.Д.дан мазкур қурилиш ишларини тўхтатишни талаб қилган бўлса-да, лекин жавобгар қурилиш ишларини давом эттирган.

Мазкур ҳолатда Гулистон шаҳар қурилиш бўлими раҳбарияти ҳам ўз вазифаларини тўлиқ бажармасдан, лойиҳадаги объектларни кенгаш муҳокамасига олиб чиқмасдан, лойиҳадаги ер майдони Гулистон шаҳар бош режасига мос келмаса-да, мазкур ҳужжатларни тасдиқлаб берганлиги ҳолати юзасидан вилоят суди фуқаролик судлов ҳайъати томонидан Сирдарё вилояти қурилиш бош бошқармасига хусусий ажрим чиқарилиб тегишли тартибда муносабат билдирилган.

Кўриниб турибдики, Гулистон шаҳар қурилиш бўлими ходимлари тадбиркорга ажратилган ер майдонининг ҳолатини аниқламасдан ва бошқа ҳужжатларни синчиклаб ўрганмасдан туриб хулоса бериши натижасида ҳам тадбиркорга, ҳам давлатга катта зарар келтирилмоқда. Бу эса қурилиш соҳасида қонунларни мукамаллаштириш, мутахассисларнинг малакасини ошириш зарурлигини кўрсатади. Бундай ҳолатлар Республикамиз миқёсида кўплаб учрамоқда ва аксар ҳолларда тадбиркорлар ва аҳолининг давлат сиёсатига нисбатан норозилигига сабаб бўляпти. Бунинг заминида эса ер ажратиш ёки қурилишга рухсат бериш ваколатига эга шахснинг билимсизлиги ёки моддий манфаатдорлиги омили ётади. Бу эса мамлакат тараққиёти учун ўта хавфли ҳолатдир.



**Озода ШАМСИДДИНОВА,**

Судьялар олий мактаби  
таянч докторанти

## УЙ-ЖОЙГА ОИД НИЗОЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЕЧИМИ

### АННОТАЦИЯ:

ушбу мақолада уй-жойга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича суд амалиёти ёритилган. Унда уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низоларнинг судлар томонидан ҳал қилинаётгани амалиётда учраётган муаммоли мисоллар билан келтирилган ва ҳуқуқшунос олимларнинг назарий фикрлари ҳамда қонунчилик таҳлил қилинган ва муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** уй-жой, мулк ҳуқуқи, низо, судга тааллуқлилиқ, хусусий мулк, фойдаланиш ҳуқуқини йўқотиш, суд амалиёти.

### АННОТАЦИЯ:

в данной статье освещена судебная практика по спорам, возникающим из жилищных правоотношений, представлена информация о том, как суды рассматривают споры, связанные с правом собственности на жилье, и приведены проблемные примеры, встречающиеся на практике, проанализированы теоретические положения ученых-юристов, а также законодательство.

**Ключевые слова:** жилье, право собственности, спор, судебная принадлежность, частная собственность, утрата права пользования, судебная практика.

*Халқимизда “Ўз уйим, ўлан тўшагим”, – деган нақл бор. Албатта бу бежизга эмас. Уй-жой инсон ҳаётининг узвий ва ажралмас бир қисми бўлиб жамиятда эркин ҳаёт кечиришининг гарови ҳисобланади. Шундай экан, турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқининг белгиланиши муҳим аҳамият касб этади.*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ хусусий мулк дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир<sup>1</sup>.

Уй-жой қонунчилиги меъёрларига риоя қилиш фуқаролар, шунингдек, уй-жой фондини ҳисобга олиш, сақлаш, фойдаланиш ва таъмирлашни таъминлаш ваколати юклатилган давлат органлари, корхоналар, муассаса ва ташкилотларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Уй-жой билан боғлиқ низолар бўйича ишлар судлар томонидан кўрилатганда қонун ҳужжатларининг тўғри қўлланилиши фуқароларнинг хусусий мулкка бўлган конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя этишда муҳим аҳамиятга эга.

Қоида бўйича уй-жойга эга бўлиш ёки бўлмаслик фуқароларнинг субъектив ҳуқуқи ҳисобланади ва уни амалга ошириш ёки оширмаслик бевосита уларнинг хоҳиш-иродаларидан келиб чиқади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг<sup>2</sup> 12-моддасида ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалиқ билан аралашиш, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёзишмаларидаги сирларга ёки унинг номус ва шаънига ўзбошимчалиқ билан тажовуз қилиниши мумкин эмаслиги, ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган.

Қайд этиш керакки, мулкка нисбатан эғалиқ ҳуқуқини белгилаш бўйича ишларни кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ меъёрларининг тўғри қўлланилиши ва иш бўйича қонуний суд ҳужжатлари қабул қилиниши келгусида ишда иштирок этувчи шахсларнинг низоли мулкка нисбатан ўз ҳуқуқларини тўлақонли ҳимоя қилишларига замин яратади. Мазкур тоифадаги ишлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси<sup>3</sup>, Фуқаролик кодекси<sup>4</sup>, “Мулкчилик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни<sup>5</sup>, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом<sup>6</sup> ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳал этилмоқда.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Якка тартибда қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 14-сонли қарорининг 2-бандида уйга ёки унинг бир қисмига (улушга) бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш, умумий улушли мулк ҳуқуқи асосида бир неча шахсга ёки умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқи асосида эр-хотинга тегишли уйдан улушни ажратиб бериш (уйни бўлиш), уйдан фойдаланиш тартибини белгилаш, умумий улушли мулк бўлган уйдаги улушлари миқдорини ўз-



гартириш ёки улушни имтиёзли асосда сотиб олиш ҳуқуқи тўғрисидаги, уйнинг олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя ва бошқа шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган уйга нисбатан қонунда назарда тутилган ҳолларда мулк ҳуқуқини эътироф этиш ҳақидаги низолар судларга тааллуқли эканлиги кўрсатилган<sup>7</sup>.

Ҳуқуқшунос олим Ш.Шорахметовнинг фикрича, уй-жой низолари фуқаролар билан фуқаролар, фуқаролар ва юридик шахслар ўртасида уй-жой ҳуқуқи ва манфаатлари, яъни турар жойдан фойдаланиш, эгалик қилиш ва тасарруф этиш бўйича бузилган ҳуқуқларни суд ёки бошқа органларда ҳимоя қилиш борасидаги муносабатлардир. Судларда уй-жой низоларини қонуний ҳал қилиш фуқароларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилинишига кафолат яратади<sup>8</sup>.

П.В.Крашенинниковга кўра уй-жой низоси мулк ҳуқуқининг вужудга келиши, ушбу ҳуқуқлардан фойдаланиш ва уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши ҳамда мазкур ҳуқуқларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган низолардир<sup>9</sup>.

Шунингдек бундай низолар уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқининг бекор бўлиши билан боғлиқ муносабатлар туфайли ҳам юзага келиши мумкин. Чунки, амалиётда уй-жойнинг мулкдори бўлмаган, аммо уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳам қонунда белгиланган тартибда бекор бўлиши мумкин. Қолаверса, мазкур мазмундаги низолар бугунги кунда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўриб ҳал қилинаётган уй-жой низоларининг салмоқли қисмини ташкил қилади.

Бу борадаги амалдаги қонунчиликнинг етарли такомиллашмагани, борларининг ҳам нотўғри қўлланилиши, қонунчиликдаги бўшлиқлар ва коллизиялар уй-жойга оид муносабатларда қўплаб ҳуқуқий низоларни вужудга келтиради.

Амалдаги қонун талабига кўра мулкдор, ижарачи ва уларнинг оила аъзолари ўртасида уй-жой масаласида келиб чиқадиган низолар суд тартибида ҳал қилинади. Бундай низолар қаторига уйга киритиш, уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш, уйдан кўчириб чиқариш билан боғлиқ масалалар қиради.

Шу ўринда бир мисолга мурожаат қилсак.

Фуқаро С.М. 2009 йил 9 сентябрда В.М. билан қонуний никоҳдан ўтган. Бироқ, В.М. 2010 йилда Россия Федерациясига ишлаш учун чиқиб кетганида тарафларнинг оилавий муносабати тугатилган. Уларнинг никоҳлари 2017 йил 14 майда суд тартибида бекор қилинган. С.М. 2011 йил 20 июндаги З.С. билан тузилган олди-сотди шартномасига асосан Тошкент шаҳар, Нукус кўчасидаги 9/2-уй, 59-хонадонни сотиб олган. Шу сабабли, даъвогар С.М. жавобгар В.М.га нисбатан фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Тошкент шаҳар, Нукус кўчаси, 9/2-уй, 59-хонадонни турмуш ўртоғидан алоҳида яшаган даврда ўз маблағлари ҳисобига сотиб олганлиги учун ушбу уй-жойга нисбатан унинг эгалик ҳуқуқини бекор қилишни сўраган. Суднинг 2018 йил

23 июндаги ажрими билан ФПКнинг 124-моддасининг 1-бандига асосан иш юритиш тугатилган. Суд бундай ҳулосага келишида Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 августдаги 251-сонли қарори билан тасдиқланган “2016-2017 йиллар даврида жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларини ялпи хатловдан ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низомнинг 18-банди бешинчи ва олтинчи хатбошилари таянган.

Аммо, суд мазкур ҳолатда асоссиз равишда ушбу Низомнинг 18-бандига асосланиб ишни юритишдан тўхтатган. Чунки, қонунчиликда эр ва хотин қонунда белгиланган тартибда никоҳдан ажратилмаган, лекин улар алоҳида яшаган даврларида улардан бири томонидан орттирилган кўчмас мол-мулкни унинг шахсий мулки деб топиш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилинганда, суд низони Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг тегишли нормаларига асосан ҳал этиши белгиланган. Шу сабабли бундай талаб бўйича юқоридаги Низомнинг 18-банди бешинчи ва олтинчи хатбошиларида белгиланган меъёрлардан келиб чиқиб, ФПКни 100-моддасининг 1-бандига асосан иш юритиш тугатилмайди. Шу боис, суд бундай ҳолатда иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқармасдан, балки ишни мазмунан кўриб чиқиши ва тегишли ҳал қилув қарори қабул қилиши лозим эди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳулоса қилиш мумкин, уй-жойга оид қонун ҳужжатлари меъёрларини суд амалиётида тўғри қўллаш, уй-жой билан боғлиқ низоларнинг қонуний ва адолатли ҳал этилишини, жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг суд орқали ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, уй-жой ҳуқуқи соҳасида одил судлов самарадорлигини ошириш ҳамда амалиётда келиб чиқаётган муаммоларни бартараф этиш айниқса муҳим. Шу муносабат билан, халқаро ҳуқуқнинг тегишли жиҳатлари ва уй-жой ҳуқуқи стандартлари, уй-жой низолари бўйича суд амалиёти, хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш, соҳадаги камчиликларни бартараф этиш бўйича таҳлилларни амалга ошириш ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси “Халқ сўзи” газетаси, 1992 йил 15 декабрь.
2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган ва эълон қилинган.
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 02/18/ФПК/0612-сон,
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова; 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон
5. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон
6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 2-сон, 19-модда, 23-сон
7. <https://lex.uz/docs/1455965>
8. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. –Т.: Адолат. 2001. -36 б.
9. Крашенинников П.В. Жилищное право. Учебник. - М.: Статут, 2017. - 415 с.



**Ориф  
КЎЛДОШОВ,**  
Ғиждувон туман-  
лараро иқтисодий  
суди раиси

# СУД АМАЛИЁТИДА ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ

**Бугунги кунда суд ишларини кўришда кўпгина вазирлик ва идора-  
лар билан маълумот алмашинуви уларнинг ахборот тизимлари ўзаро  
интеграция қилинмаганлиги сабабли асосан қоғоз шаклида амалга оши-  
рилмоқда. Бундан ташқари, судлар томонидан фуқаролар ва тадбир-  
корларга кўрсатиладиган интерактив хизматлар турини кенгайти-  
риш бўйича ишларни жадаллаштиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.**

“Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақам-  
лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПК-4818-  
сонли қарор билан суд ҳокимияти органлари фао-  
лиятини рақамлаштиришнинг кейинги босқичдаги  
вазифалари, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектла-  
рига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар  
турларини кенгайтириш, ҳар бир муносабатни кўриб  
чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини  
таъминлаш, суд биноларида интерактив хизматлар-  
дан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш, судлар-  
да одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган  
маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъ-  
минлаш учун вазирликлар, идоралар ва бошқа таш-  
килотлар билан электрон маълумотлар алмашинуви-  
ни янада кенгайтириш, махсус ахборот дастурларини  
жорий этиш орқали судьялар ҳамжамияти органлари  
фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъмин-  
лаш борасида амалга ошириладиган ишлар белгилаб  
берилди. Шунингдек суд мажлисларида масофадан  
туриб иштирок этиш имкониятини кенгайтириш,  
иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн  
тарзда олиш имкониятини яратиш, суднинг ахборот  
tizimlari, маълумотлар базалари ва бошқа дасту-  
рий маҳсулотлари ахборот ва киберхавфсизлигини  
таъминлаш, хизмат ахборотлари ва маълумотларини  
комплекс ҳимоя қилиш бўйича чораларни кучайти-  
риш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд  
мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосно-  
маси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудио-  
ёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда  
суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан  
фойдаланган ҳолда шакллантириш йўлга қўйилди.

Суд мажлисларининг аудиоёзувдан фойдаланган  
ҳолда қайд этиб борилиши туфайли ишда иштирок  
этувчи тарафларнинг “суд котиби томонидан бизнинг  
кўрсатмаларимиз суд мажлиси баённомасига кири-  
тилмабди” деган эътирозларининг олди олинди.

Шунингдек, 2021 йил 1 июлдан бошлаб апелляция  
ва кассация инстанцияси судларида ишларни судья-  
лар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш амали-  
ётининг жорий этилиши натижасида судлов ҳайъати  
раиси томонидан маърузачи судьяни белгилаб бе-  
ришига чек қўйилди. Бу эса одил судловга эришиш,  
судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъ-  
минлашда инсон омилини камайтириш ва энг муҳими  
коррупциянинг олдини олишга имкон берди.

2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча иштирок-  
чиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақи-  
да “SMS” хабар орқали бепул хабардор қилишнинг  
жорий этилиши натижасида суднинг энг оғриқли ва  
нозик муаммоси ўз ечимини топди, дейиш мумкин.  
Чунки, ишда иштирок этувчи тарафларга тайинлаш  
ажримини жўнатишда ҳар бир иқтисодий иш учун 21  
600 сўм миқдорида почта харажатлари мавжуд. Агар  
бир йилда ўртача туман кесимида 1000 та иш кўрил-  
ган тақдирда 21 600 000 сўм тежаб қолинади. Вилоят  
миқёсида ўртача 10 000 та иш кўрилганда эса 216 000  
000 сўм ҳамда Республика миқёсида ўртача 100 000  
та иш кўрилган тақдирда 2 160 000 000 сўм тежаб қо-  
линади, демакдир.

Энг асосийси ишда иштирок этувчи тарафлар суд  
мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида камида ўн –  
ўн беш кун олдин хабардор қилиниши лозим эди.  
Тарафлардан биронтаси хабарни олмаган тақдирда  
ишни кўриш яна камида ўн кунга кечиктириларди.  
Бирор тараф хабардор этилмасдан иш кўрилганда  
юқори инстанция судлари томонидан процессуал  
ҳуқуқ нормалари бузилган деб ҳисобланар, ҳал қилув  
қарори бекор қилиниб, яна шу мазмундаги қарор қа-  
бул қилинади.

2022 йил 1 январдан суд қарорлари иш бўйича та-  
рафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномасига  
кўра эса қоғоз шаклида тақдим этилмоқда. 2023 йил  
1 январдан бошлаб суд ишларини давлат архивига  
электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш назарда  
тутилган. Бу — ҳужжатлар билан ишлашда сарф хара-  
жат ва вақтни иқтисод қилади.



# СЎЗИДАН ФИҚҲ ЭЛИГА ЗЕБУ БАҲО

**Ҳазрат Алишер Навоий ҳақида минглаб мақолалар, илмий ишлар қилинган. У кишининг ижод ва ҳаёт йўллари дунё олимлари назаридадир. Навоий ижодини ўрганган мутахассислар Ҳазрат асарларида инсонпарварлик, адолат, ҳуқуқий жамият асосий гоё эканлигини бир овоздан эътироф этадилар. Алишер Навоийнинг лирик ва насрий асарларида ислом ҳуқуқшунослигига оид атамалар кўп учрайди. Хусусан, ислом қонунчилигини ўзида мужассам этган “фиқҳ” атамасини маҳорат билан қўллаган.**

Фиқҳ – Инсоннинг ўз-ўзига, ўзидан бошқаларга ва Роббисига нисбатан ҳақ-ҳуқуқлар, ахлоқ-одоб меъёрлари, ёқимли ва ёқимсиз ишлар борасидаги тутган ўрнини нозик ва нафис жиҳатларига ҳақ ўргатадиган, асл ва фуруъ (асосий ва иккинчи даражали ҳукмлар)да мукамал тарзда баҳс олиб боровчи илм ҳисобланади. Бундан ташқари, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида учрайдиган турли масалалар хусусида баҳс юритиб бу масалаларга нисбатан шариатнинг тутган ўрнини белгилаб берувчи, бирор нарсага нисбатан ҳалол, ҳаром, фарз, вожиб, мандуб, макруҳ ва шу каби бир қанча ҳукмларни тайин қилувчи ва ибодатлар, одамлар ўртасидаги маданий алоқа ва муомалалар, никоҳ ва ажрим масалалари, жиноят ва жазо, савдо сотиқ шунингдек кўплаб ҳукмларни ўз ичига олувчи илмдир.

Ҳазрат Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида ҳукмдор Шоҳғариб Мирзога ҳар нарсанинг моҳиятини билиш учун фиқҳ, ҳадис, тафсир, тиб, тарих, ҳикмат каби илмларни пухта эгаллаши кераклигини уқтирар экан, шундай дейди:

**Бу дин илмики, хома қилди таҳрир,  
Эрур фиқҳу ҳадису сўнгра тафсир.**

“Лайли ва Мажнун”нинг Ҳусайн Бойқарога бағишланган бобида ҳам Навоий султонни фиқҳ илми билимдони сифатида таърифлайди:

**Олам аро илм илми диндур,  
Дин илми фиқҳ эрур яқиндир.**

**Йўқ фиқҳ фақат ҳадису тафсир,  
Ҳар қайдаки, дахл қилди бир-бир.**

Ўз даврининг етук инсонлари ижодидан хабар берувчи “Мажолис ун-нафоис” асарида Хожа Фазлуллоҳ Абуллайс Самарқандий, Мир Ихтиёриддин ҳақида сўз юритганда ҳам, уларнинг фақиҳлигига алоҳида эътибор қаратади..

Луғатларда “фақиҳ” сўзига мусулмон қонуншунослиги илмининг билимдони, ҳуқуқшунос олими, деган таъриф берилган.

Навоий “Ҳамса” таркибидаги дostonларида бу атамани кўп мартаба тилга олади.

**Базми аро ҳар фақиҳи моҳир,  
Бир масъала қилди эрса зоҳир...**

**Ҳар ердаки, ул дебон масойил,  
Андин фуқаҳо ёзиб расойил...**

Шунингдек, Навоий асарларида “қози” атамаси ҳам ўзига хос тарзда ишлатилган. Бу сўз ўз маъносида, яъни шариат қонунлари асосида ҳукм ва ижро ишларини олиб боровчи мансабдор шахс маъносида қўлланиш билан бир қаторда, баъзи ўринларда кўчма маъноларда ҳам ишлатилган.

“Насойим ул-муҳаббат”да қози сўзига шундай таъриф беради: “Ҳамоно андоқки, кўпрак ақобирни Хурасонда шайх дерлар ва Самарқандда хожа ва Румда боб ва Ҳиндда қози дерлар”.

“Ҳамса” таркибидаги дostonларда давлатчилик асослари, тараққиётга юз тутган жамият муаммолари, инсон ҳуқуқи масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтган. Хусусан, “Ҳамса”нинг биринчи достони – “Ҳайрат ул-аброр”да жамият фаровон, ҳукумат адолатли, инсон бахтли бўлмоғи учун нималар лозим экани хусусида фикр юритиб, бахтли яшашни истаган инсон учун зарур бўлган фазилатлар баён қилинган.

Алишер Навоий “Муншаот”даги 57-мактубда бундай ёзади: “Арқони давлатқа ҳар ишким буюрулур, агар бутмаги бир кун муяссардур, агар икки ё уч кун. Андоқ муқаррар бўлсаким бот бутардек иш ҳамул кун арз қилиб жавоб олсалар. Кечрак бутур ишни тонгла (эртаси) ё индин ё миодидин (муддатидан) ўткармасалар...”. Яъни ҳар бир амру фармон белгиланган муддатда бажарилиши лозим. Бугунги ишни эртага қолдириш мумкин эмас. Агар гофиллик ва сусткашлик оқибатида иш орқага суриладиган бўлса, бунинг сабабкорлари аниқланиб, қаттиқ жазоланиши керак.

Навоий асарлари доимий ўрганишда бўлса-да, йиллар ўтган сари уларнинг янги-янги қирралари очилаверади. Зеро, бутун турк дунёси ҳазрат Алишер Навоийни “шамс ул-миллат”, яъни “миллат қуёши” деб эъзозлаб келади. Алишер Навоий бутун умрини туркий тил мавқеини кўтариш, туркий адабиёт имкониятларини кенгайтириш, туркий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш, жамиятда ҳақиқат ва адолат мезонларини қарор топтиришга бағишлаган.

Улуғ мутафаккир, давлат арбоби, ўз жамиятининг илғор вакили, давлат ишларининг жонкуяри бўлиш билан бирга, ҳалол ҳуқуқшунос ва қонун ижодкори сифатида ҳам фаолият юритган. Алишер Навоийдек оддий халққа дилдан яқин бўлган, ҳуқуқ ва адолатнинг маъно-моҳиятини теран ифода этган ижодкор камдан-кам топилади. Навоий адолат туйғусини ҳар бир инсон, ҳар бир халқ ва миллат интилиб яшайдиган олий мезон даражасига кўтара олган даҳодир.

**Азиза АБДУВОҲИДОВА,**

Тошкент шаҳридаги УЕОЖУ техника  
институтини талабаси.





**Санжар  
ДУСМАНОВ,**  
Судьялар олий  
мактаби  
мустақил  
изланувчиси

# АНГЛО-САКСОН ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА ИШ ЮРИТИШ ШАКЛЛАРИ

## АННОТАЦИЯ:

ушбу мақола жиноят-процессуал иш юритуви шакллари дифференциация қилишнинг моддий ва процессуал мезонларини аниқлашга қаратилган. Жиноят ишлари бўйича соддалаштирилган шаклнинг зарурияти очиб берилган ва асосланттирилган. Муаллиф, ҳуқуқни қўллаш амалиёти эҳтиёжларига мос келадиган ва жиноят суд ишларини юритишга жалб қилинган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилиш имконини берувчи соддалаштирилган иш юритувининг янги шаклини жорий қилишни таклиф қилган.

**Калит сўзлар:** ноқонуний ҳаракатлар, реабилитация, зиённи қоплаш, ҳуқуқларни тиклаш, жиноят процесси.

**Процессуал келишув институти аслида англо-саксон ҳуқуқ тизими “маҳсулоти” саналади. Унинг ривожланиши ва континентал ҳуқуқ тизимидаги шакллари ўрганишга қаратилган қиёсий таҳлил унинг ҳуқуқий табиатини тўлароқ намоён қилади.**

Англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги давлатлар қонунчилигидаги умумий жиҳатлардан бири шуки, судланувчининг айбига иқдор бўлиши тарафлар ўртасида низо мавжуд эмаслигини англатади, бу эса тарафлар тортишувига асосланган процессда далилларни тадқиқ қилиш ва суд тергови ўтказиш заруриятини истисно қилади. Айбланувчининг иқдорлиги айблов тарафни исботлаш мажбуриятдан озод қилади. Айнан шу сабабдан келишув шакллари кенг қўллаш қонунчилиқда мустаҳкамланишидан анча аввал бошланган.

Айбга иқдорлик ҳақида келишув (plea bargaining) – бу қонун билан белгиланган шаклда, айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва айбловчи ўртасида тузиладиган келишув саналади. Бунда айбланувчининг иқдорлиги ҳисобига айбловчи уни оғирроқ жиноят содир этганликда айблаш ва иш ҳолатларини тўлиқ аниқлашдан воз кечади. Яъни келишув нафақат енгил айблов, балки далиллар етарли бўлмаган айрим айбловлардан воз кечишни назарда тутаяди.

АҚШлик ҳуқуқшунос Эндрю Мануэль Креспо таъбири билан айтганда “АҚШ одил судлов тизими келишувлар тизимидан иборат”<sup>1</sup>.

АҚШда 1960 йиллардаги ҳуқуқий ислохотлар ҳимоянинг имкониятларини кенгайтириб, ишни мазмунан кўришни янада қийинлаштирди ва жараённинг давомийлиги янада узайишига олиб келди. Бу эса, ҳақиқатни аниқлашдан кўра, ижтимоий низони ҳал қилиш муҳимлиги ҳақида доктрина шаклланишига сабаб бўлди. Бундан

ташқари АҚШ ва Буюк Британияда маҳаллий ҳокимият томонидан давлат айбловчилари ва ҳимоячилари учун ажратиладиган маблағ миқдорининг қатъий чекланганлигини ҳам эътиборга олиш зарур.

Америкалик ҳуқуқшунос Реймонд Моль маълумотларига кўра, 1839 йили Нью-Йорк штатида жиноят ишлари бўйича чиқарилган ҳукмларнинг 22 фоизи “айбни тан олиш ҳақидаги битимлар”нинг натижаси бўлган бўлса, 1869 йили жиноят ишларининг 70 фоизи, 1920 йили жиноят ишларининг 80 фоизи айбни тан олиш ҳақидаги аризалар ёрдамида ҳал қилинган<sup>2</sup>.

Бугунги кунда мазкур институт АҚШ жиноят-процессуал тизимининг рамзий белгиси ҳисобланиб, 90-97% ишлар мазкур асос билан кўриб чиқилади.

## АҚШда келишув институтининг қуйдаги турлари мавжуд:

— *regularly guilty plea* (оддий шакл). Айблов ҳукми чиқади. Айбланувчи ҳукмга шикоят келтириш ҳуқуқини йўқотади, шунингдек фуқаролик тартибида берилган даъвои тан олади (процессуал хатолардан ташқари).

— *no contendere plea ёки no contest plea* (“иқдор эмасман лекин розиман”). Айбга иқдор бўлмайди, лекин жазога розилиги айбга иқдорликка тенглаштирилади. Шикоят бериш, шу жумладан фуқаровий даъво бўйича низолашиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Демак, АҚШ жиноят қонунчилигида айбга иқдорликни (plea bargaining) – айбланувчи ва ҳимоячининг айблов тараф билан ишни ҳал қилиш юзасидан тузилган шартномаси деб таърифлаш мумкин.

АҚШда кўпгина олимларнинг фикрича, айбга иқрорлик ҳақида келишувнинг энг заиф нуқта-си, жиноят қонунчилигининг чегараси ҳаддан ташқари кенглиги яъни, ҳар қандай шахсга жиноий айблов қўйилиши мумкинлиги ва прокурорнинг келишув тузиш бўйича чексиз ваколатлари билан боғлиқ<sup>3</sup>.

Иқрорлик ҳақида келишувнинг танқидига асосий замин шундан иборатки, унинг замирида ҳимоя ва айблов томони ўртасидаги савдо ётади. Бунда одил судлов бир тарафга ўзининг процессуал (айбдорнинг ишини доимий маслаҳатчилардан иборат суд томонидан кўриб чиқиш) ҳуқуқларидан воз кечади ва айбдор тарафнинг ён беришига имкон берувчи бозор тизими пайдо бўлади. Бу баъзи бир жиноят ишлари бўйича исботлаш сифатининг пасайиши учун шароит яратади, чунки далилларни виждонан, ҳолисона, тўлиқ ва ҳар томонлама йиғиш, текшириш ва баҳолаш зарурати йўқолади<sup>4</sup>.

Айрим прокурорлар ҳимоя томони билан музокаралар давомида даставвал айбланувчига имкон қадар максимал банд билан айблов эълон қилишади. “Агар айбланувчиларнинг учдан бири катта ҳакам иштирокида тўлақонли суд муҳокамасини талаб қилса, АҚШ жиноят ишлари бўйича одил судлов тизими вайрон бўларди” – деган эди У. Бернэм<sup>5</sup>.

Шу сабабли келишув тартибида ҳал қилинадиган ишлар юзасидан далилларнинг сифатсизлиги ёки етарли эмаслиги ҳеч кимга сир эмас.

**Биринчидан**, ҳаддан ташқари чексиз ваколат ўзбошимчалик ва тенгсизликка олиб келиши, унинг камлиги эса қонунни индивидуал қўллашга тўсқинлик қилиши, мазкур ҳолатда прокурорнинг чексиз ваколатлари ишни мазмунан ҳал қилиш юзасидан суднинг ваколатига ҳам хавф солиши мумкин.

**Иккинчидан**, узоқ йиллар мобайнида англо-саксон ҳуқуқ тизимида келишувга қаратилган музокаралар олиб бориш тартибга солинмаган эди. АҚШда мазкур масала 1974 йилда Жиноят суд ишларини юритиш федерал меъёрларининг 11-қоидасига қўшимчалар киритилиши билангина тартибга солинди.

Бундан ташқари, АҚШ Олий суди давлат органлари томонидан келишувга эришиш учун жисмоний зарар, руҳий мажбурлаш ёки таҳдиддан фойдаланиш мумкин эмаслигини эътироф этгани ҳолда айбланувчи томонидан эҳтимолий жазони баҳолаш мажбурлаш ҳисобланмаслигини қайд этган<sup>6</sup>. АҚШда прокурорнинг мазкур масалада ваколатларини суиистеъмол қилиши мумкинлиги билан боғлиқ муаммолар ҳам мавжуд.

Прокурор айбланувчини келишувга мажбурлаш мақсадида унинг айбини сунъий равишда огирлаштириши, яъни озодликдан маҳрум қи-

лиш назарда тутилган айбловлар қўйиш билан унга руҳий таъсир ўтказиши мумкин. Бунда айбланувчи ўзининг ихтиёри билан эмас, тайинланиши мумкин бўлган жазо таҳдиди остида келишув тузади.

АҚШда келишувнинг индикатив ҳукм деб аталадиган шакли ҳам мавжуд. Яъни, баъзи ҳолларда прокурор ва ҳимоячи жиноят таркиби ва жазо чораси масаласида келишувга эриша олмайди. Масалан, прокурор айбланувчи 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниши зарур деса, адвокат 6 ой етарли деб ҳисоблайди. Ушбу масалани ҳар икки тараф билан муҳокама қилгандан сўнг суд, айбланувчи айбига иқрор бўлса 1 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниши ҳақида хабар беради.

АҚШда прокурор ва адвокат келишувга эриша олмаса баъзи штатларда прокурор эътироз билдирган тақдирда ҳам айбланувчи иқрорлиги ҳақида ариза бериши мумкин. Бунда тарафларга суд олдида қарама-қаршиликнинг сабабини тушунтириб бериш таклиф қилинади. Шундан сўнг судья айбга иқрорликни қабул қилиши ёки рад қилиши мумкин.

Келишув битимида эришилганидан сўнг иш тарафлар томонидан судга тақдим қилинади. Эътиборли жиҳати келишувда судланувчининг айнан қайси конституциявий ҳуқуқларидан воз кечганлиги яъни айбсизлик презумпцияси, ҳакам томонидан суд қилиниши, давлат томонидан ҳимоячи билан таъминланиш ҳуқуқи, ўзига нисбатан гувоҳлик берган шахсларни сўроқ қилиш, ўзига қарши кўрсатув беришга мажбур

**Жаҳлимиз кўндан –  
кўп-у, илмимиз оздан-оз.  
Алишер НАВОИЙ**

\* \* \*

**Агар қизиқсанг, бу қулоқ  
билан бутун жаҳонни  
тинглаш мумкин,  
бепарво бўлсанг,  
ўз уйингда ўтган  
сирдан ҳам воқиф  
бўлолмайсан.**

**ОЙБЕК**





қилинмаслик, шикоят қилиш ҳуқуқларидан воз кечганлиги, шунингдек эълон қилинадиган айблов мазмунини аниқ баён қилинади.

Ишни ҳал қилиш пайтида суд “айбга иқрорлик масаласида суҳбат” деб аталадиган жараёнда судланувчига бир қанча саволлар беради. Тарафлар иштирокидаги очиқ суд мажлисида мазкур суҳбат ўтказилади, суд ҳозир бўлганларга судланувчига келишув бўйича берилган мажбурият ҳақида маълумот беради, бундан мақсад суд унинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ноқонуний ваъдалар берилмаганлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Келишув тузган айбланувчи фақатгина унинг ҳимоя ҳуқуқи бузилганлиги масаласида суд ҳукмига нисбатан шикоят бериши мумкин. Бироқ, баъзи штатларда жазо миқдори юзасидан шикоят бериш ҳуқуқи ҳам кўзда тутилган. Масалан Нью-Йорк шаҳрида келишувда кўзда тутилгандан энгилроқ жазо тайинланса прокурор, оғирроқ жазо тайинланса айбланувчи келишувни бекор қилиш борасида илтимоснома киритиши мумкин.

Бироқ, айбга иқрорлик ҳақидаги келишув шахснинг сайловларда қатнашиши, ўқотар куrol олиб юриш ҳуқуқининг чекланиши, давлат аҳамиятига молик масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш имкониятидан маҳрум бўлиши ва чет эл фуқаросининг депортация қилинишига сабаб бўлувчи оқибатларни келтириши мумкин.

Келишувнинг “Иммунитет ҳақида келишув” деб номланадиган бошқа бир шаклига кўра, жиноят содир этган шахс “айбловнинг гувоҳига” айланади, яъни жиноий таъқиб доирасидан чиқарилади. Бироқ, мазкур шахснинг айбдорлиги ҳақида далиллар тўпланган ҳолда келишув прокурор томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин.

### Англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги яна бир давлат — Англияда уч турдаги жиноятларга нисбатан умумлаштирилган иш юритилиши тадбиқ қилинади:

- кам аҳамиятли (катта ижтимоий хавф туғдирмайдиган);
- қўшма жиноятлар, уларга нисбатан тарафларнинг истагига, ишнинг мураккаблиги (оғир, енгил) ва етказилган зарар миқдорида кўра;
- бир қатор оғир жиноятлар, уларга нисбатан енгиллаштирувчи ҳолатлар белгиланган ёки жамият учун катта хавф туғдирмайдиган<sup>7</sup>.

Англияда магистрат XV асрдан бошлаб кам аҳамиятли жиноятларни суммар (умумлашган) тартибда кўриб чиқади. Ҳозирда магистратларга 6 ойдан кўп қамок, 5000 (войга етмаганларга 1000) фунт стерлингдан кўп жарима тайинлаш тақиқланган. 1980 йилда қабул қилинган “Магистрат судлари тўғрисида” қонуннинг 12-моддасига мувофиқ Англияда сиртдан иш кўрилишига ҳам йўл қўйилади. Яъни, 3 ойдан кўп бўлмаган муддатга қамок жазоси кўзда тутилган ишлар бўйича айбланувчи айбловнинг бандлари кўрсатилган судга чақириш ҳақида буйруғини олиб, айбига иқрорлиги ҳақида судга почта орқали хабарнома бериши ишни сиртдан кўриб чиқиш учун асос бўлади. Сиртдан судланган шахслар қарор билан танишгандан сўнг 21 кун давомида шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлиб, шикоят берилиши сиртдан иш юритиш тўхтатилишига олиб келади.

Ҳиндистонда айбга иқрорлик ҳақида келишув прокурорнинг ҳукм чиқаришни кечиктириш ёки ҳукм ижросини кечиктиришга розилигини ҳам ўз ичига олиши мумкин. Баъзи штатларда суд иқрорлигини қабул қилиб, суд муҳокамасини бир йилдан беш йилгача кечиктириши мумкин. Бундай ҳолларда белгиланган синов муддати тугагандан сўнг айблов олиб ташлалиши ва шахс судланмаган деб ҳисобланиши мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Andrew M.K. The hidden law of plea bargaining/ Andrew M.K. // Columbia law review [Vol. 118:1303].
2. Raymond Moley. Politics and Criminal Prosecution. Minton, Baleh (1929), P. 164.
3. Kenneth Culp Davis, Discretionary Justice: A Preliminary Inquiry. supra note 4, at 52.
4. Качалова О.В. Ускоренное производство в российском уголовном процессе : дис. д-ра юрид. наук. М., 2016. С. 116.
5. Бернэм У. Правовая система США / науч. ред. В.А. Вла-сихин. – М., 2006. – С. 467.
6. Bradley v. United States, 410 U.S. 605 (1973).
7. Калиновский К.Б., Файзиёв Ш.Ф. Хорижий мамлакатлар жиноят процесси. ю.ф.д. проф. М.Х.Рустамбоевнинг тахрири остида. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2010. -10 б.



# ЖИНОЯТНИ ОЧИШ ЖАРАЁНИДА ҲОДИСА ШОҲИДЛАРИНИНГ МАҚОМИ



**Рустам АБДУЛЛАЕВ,**

Тошкент давлат юридик университети  
ўқитувчиси

## АННОТАЦИЯ:

мақолада терговга қадар текширув, дастлабки тергов, суриштирув ва суд органлари амалиётларининг таҳлиллари ҳамда ҳуқуқишунос олимларнинг илмий қарашларини ўрганиш ва умумлаштириш натижаларига асосланиб, “ҳодиса шохиди” атамасининг мазмуни, ҳодиса шохидларининг процессуал мақоми масалалари ёритилган. Илмий тадқиқотлар натижаларига таяниб, ишни судга қадар юритиш ва суд жараёнларида жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини таъминлаш зарурати ва ҳозирги вақтда долзарб бўлгани сабабли жиноят-процессуал қонунчилигига ҳодиса шохиди, унинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларига оид нормаларнинг киритилиши бўйича таклифлар асослантирилган.

**Калит сўзлар:** ҳодиса шохиди, ҳодиса шохидининг процессуал мақоми, гувоҳ, ҳодиса шохидининг жиноят процессидаги иштироки, ҳодиса шохидининг ҳодиса бўйича кўрсатувлари, жиноят процесси иштирокчиларини ҳимоя қилиш, ҳодиса шохидининг жавобгарлиги.

## АННОТАЦИЯ:

в статье на основе анализа практики органов доследственной проверки, предварительного следствия, дознания и судов, а так же результатов изучения и обобщения научных взглядов учёных-юристов, рассмотрено понятие термина “очевидец происшествия” и процессуальный статус очевидца. Опираясь на результаты научных исследований обоснованы предложения о необходимости обеспечения прав и законных интересов всех участников уголовного процесса как в досудебном так и в судебном производствах, о введении в уголовно-процессуальное законодательство норм об очевидце происшествия, а так же норм, касающихся его прав и обязанностей.

**Ключевые слова:** очевидец происшествия, процессуальный статус очевидца происшествия, свидетель, участие очевидца происшествия в уголовном процессе, показания очевидца происшествия, защита участников уголовного процесса, ответственность очевидцев происшествия.

## ANNOTATION:

based on the analysis of the practice of pre-investigation inspection bodies, preliminary investigation, inquiry and courts, as well as the results of the study and generalization of the scientific views of legal scholars, the concept of the term “eyewitness of the incident” and the procedural status of an eyewitness are considered in the article. Based on the results of scientific research, the proposals are substantiated on the need to ensure the rights and legitimate interests of all participants in the criminal process both in pre-trial and in court proceedings, as well as on the introduction of norms on the eyewitness of the incident, as well as concerning his rights and obligations, into the criminal procedure legislation.

**Keywords:** the eyewitness of the incident, the procedural status of the eyewitness of the incident, the witness, the participation of the eyewitness of the incident in the criminal process, the testimony of the eyewitness of the incident, the protection of participants in the criminal process, the responsibility of the eyewitnesses of the incident.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 155-, 221- ва 224-моддаларида “шоҳид” тушунчаси назарда тутилган, жумладан, “эксперимент ўтказишдан олдин ўрганилаётган ҳодиса шароитлари текширилаётган кўрсатув ёки тусмолларга тўла мувофиқ ҳолда тикланган бўлиши лозим. Бунинг учун гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида ўзи қатнашган ёки шоҳид бўлган ҳодисанинг шароит ва ҳолатларини тиклаш таклиф қилиниши мумкин” деб кўрсатилган.

Криминалистик адабиётларда шоҳидлар дейилганда кимлар назарда тутилиши ҳақида фикрлар мавжуд. Унга кўра шоҳидга жиноятни ўз кўзи билан бошидан охиригача кўрган ёки жиноятчини кўрган, таниган-билган шахслар сифатида таъриф берилган. Масалан, Т.Маматкулов ва бошқалар тергов жараёнида “...аввал, одатга кўра, жабрланувчилар ва жиноятни ўз кўзи билан бошидан охиригача кўрган шахслар – шоҳидлар, кейин воқеа тўғрисида хабар берган ёки гумон қилинувчи ва жабрланувчи тўғрисида маълумотга эга бўлган шахслар сўроқ қилинади”<sup>1</sup> деб таъкидлайдилар., А.Закурлаев ва К.Маҳмудовлар эса “...жиноятчи шахсини аниқлаш ёки қидириш жараёнига ўша жиноятчини кўрган-билган шахсларни (шоҳидларни) жалб этиш одам ташқи қиёфаси ҳақидаги маълумотлардан криминалистик амалиётда самарали фойдаланиш имконини беради”<sup>2</sup> деб ёзадилар.

Бирор бир иш бўйича шоҳиднинг кўрсатувлари аҳамияти юқори бўлишига қарамасдан, мазкур жиноят процесси иштирокчисининг мақоми жиноят қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйилмаган.

Амалиётда бирор бир ҳодиса бўйича шоҳидлардан тушунтириш хати олиниб, тергов ҳужжатларига илова қилиш билан чекланилади. Бу ҳолат шоҳиднинг жиноят процессида қисқа муддат давомида иштирок этиши ҳамда одил судловни

амалга оширишда ҳал қилувчи рол ўйнамаслиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шу сабаб амалда шоҳидларнинг аниқ белгиланган мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари йўқлиги ва натижада ёлғон кўрсатувлар бериши учун жавобгарликка тортилмаслиги борасида кўплаб баҳслар пайдо бўлмоқда.

Шу ўринда тергов жараёнида муҳим саналган шоҳид ва гувоҳ тушунчаларининг фарқи хусусида тўхталиб ўтсак. Жиноят-процессуал кодексига “Жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ сифатида кўрсатув бериш учун чақирилиши мумкин”<sup>3</sup> деб аниқ белгилаб қўйилган.

Айрим хорижий олимлар, хусусан Н.А.Терновский шоҳид ва гувоҳ тушунчалари ўзаро ўхшаш деб таъкидлайди<sup>4</sup>. Баъзи мутахассислар шоҳидлар деганда ҳам жисмоний, ҳам юридик шахсларни тушуниш керак деб ўқтирадилар. Масалан, И.Казначей ва С.Назаровлар шоҳид сифатида юридик шахслар қизиқиш уйғотишини таъкидлайди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, жиноят процессида шоҳиднинг мақомини таҳлил қилиш, жиноят процесси ушбу иштирокчисининг мақоми тушунтириш ва изоҳлар олиш процессуал ҳаракати билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилиши керак деган хулосага келишимизга имкон беради.

Агар шоҳид сўзининг этимологиясига эътибор берилса, “Шоҳид (арабча – гувоҳ, кузатувчи) – бирор иш, воқеа, ҳатти-ҳаракатда бевосита иштирок этган, қатнашган ёки уни кўрган шахс, гувоҳ”<sup>5</sup>лигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Кўриниб турибдики, шоҳид тушунчаси гувоҳ тушунчасига қараганда аниқроқ. Шоҳид жиноят ҳодисасини бевосита кўрган, кузатган шахс. Гувоҳ эса жиноят ҳодисаси ҳақидаги маълумотларни бошқа манбалардан олган бўлиши ҳам мумкин. Бироқ, амалиётдан шу нарса маълумки, ҳодиса шоҳидлари жиноят ҳодисасида бевосита иштирок этмаган шахслар ҳам бўлиши мумкин.

Шу сабабли, жиноят процессида “шоҳид” атамасининг ўрнига “ҳодиса шоҳиди” атамасидан фойдаланиш ҳамда жиноят процессининг бу иштирокчисига “ҳодиса шоҳиди – бу ҳодиса содир этилишини ҳамда ҳодисани содир этган шахсни (субъектни) кўриб-билиб турган ва идрок қилган шахс”, – деб таъриф бериш таклиф қилинади.

Жиноят-процессуал кодексининг 65-моддасида гувоҳ мақомининг икки хусусияти кўрсатилган, “гувоҳ – жиноят ишини тергов қилиш ва ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган бирор ҳолатни билиш эҳтимоли бор шахс ҳамда кўрсатув бериш учун чақирилган жиноят процессининг иштирокчиси. Гувоҳнинг




процессуал мақомини аниқлаш учун унга дастлабки тергов ва суд органини қизиқтирадиган, жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолат (факт)нинг маълум эканлигини ўзи етарли эмас. Бунда ушбу гувоҳнинг кўрсатув бериш учун чақирилганлиги ҳолати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Фақатгина ушбу тартиб бажарилганидан сўнг шахс гувоҳ ҳисобланади ҳамда муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади”<sup>6</sup>. Жиноят-процессуал кодексининг расмий шарҳига биноан, шахснинг ҳуқуқий мақоми унинг ҳақиқий ҳолатидан келиб чиқиб белгиланади ҳамда кейинчалик тегишли процессуал ҳужжатлар билан расмийлаштирилади.

Ўзининг фактик ҳолати (мақоми) гувоҳнинг процессуал мажбуриятлари билан ўхшаш бўлиб қолган ҳодиса шохидларида гувоҳнинг имунитети мавжудлиги бўйича масала ҳам долзарб ҳисобланади. Чунки, Жиноят-процессуал кодексида ўзларининг касбий ва процессуал фаолиятдан келиб чиқиб иш учун аҳамиятли бўлган маълумотларнинг ҳодиса шохидларидан олинishi бўйича дастлабки тергов органларига таъқиқлар мавжуд эмас. Бундай ҳолларда, ҳодиса (ҳолат) шохиди мақомида бўлган айрим тоифа шахслар, масалан, адвокат – ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш жараёнида ўзига маълум бўлиб қолган ҳолатлар ҳақида маълумот беришга мажбур. Бироқ, бу ҳолатда адвокат, кўрилатган иш бўйича жиноят иши кўзғатилганда энди гувоҳ мақомига эга бўлиб қолади ҳамда амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда “ҳимоячилик ёки вакиллик вазифасини бажарётганда ўзига маълум бўлиб қолган тафсилотлар юзасидан гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас”<sup>7</sup>.

Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, шохидлар ҳам давлат ҳимоясига олинувчи ҳимоя қилинувчи шахслар тоифасига киритилган, жумладан, “Ҳимоя қилиш чоралари жиноят иши кўзғатилгунига қадар аризачига, жиноят шохидига ёки жиноятнинг олдини олишга ёхуд уни фош этишга кўмаклашувчи шахсларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин”<sup>8</sup>. Албатта бу норма ҳодиса шохидларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг муҳим кафолатидир.

Хулоса қилиб айтганда, амалдаги Жиноят-процессуал кодекси жиноят процесси барча иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини керакли тарзда таъминлаши ҳамда жиноят ҳақидаги маълумотларни текширишда иштирок этадиган барча тоифадаги шахсларнинг мақомини аниқ тартибга солиши керак. Чунки бундай тартибнинг йўқлиги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида ҳодиса шохидла-



рининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Одил судловга иштирокчиларни жалб қилиш, уларга нисбатан турли мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлади, шунинг учун барча иштирокчиларнинг мақоми Жиноят-процессуал кодексининг махсус меъёрлари билан аниқланиши керак.

Фикримизча жиноят-процессуал қонунчилигига жиноят ҳақидаги маълумотларни тасдиқлаш жараёнида қасддан ёлгон тушунтиришлар ва маълумот берганлик учун ҳодиса шохидларининг жавобгарлиги тўғрисидаги бандларни ҳам киритиш лозим.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Криминалистик тактика: Дарслик / Т.Б. Маматкулов, Ш.Т. Джуманов, У.Т. Тургунов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 107-Б.
2. Криминалистика: Дарслик. / А.К.Закурлаев, К.О.Махмудов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 399-Б.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Т., 2019. 65-м. / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.02.2021 й., 03/21/673/0112-сон; 18.02.2021 й., 03/21/675/0126-сон.
4. Терновский Н.А. Юридические основания к суждению о силе доказательств и мысли из юристов практиков и присяжных заседателей. – Тула. 2006. – С.43.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ш ҳарфи. / Таҳрир хайъати: Э. Бегматов, А.Мадвалиев, Н.Маҳкамов, Т.Мирзаев (раҳбар), Н.Тўхлиев, Э.Умаров, Д.Худойберганаева, А.Ҳожиев. А.Мадвалиев таҳр. ост. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2013. – 599-Б.
6. С.Саҳаддинов. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Умумий қисм (илмий-амалий шарҳ) / Масъул муҳаррир: Б.Х.Пўлатов. – Тошкент: “Янги арс авлоди”, 2014. – 142-Б.
7. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги “Адвокатура тўғрисида”ги қонуни. 10-модда /Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2018 й., 03/18/497/2044-сон; 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 январдаги “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни, 4-модда / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.





**Комилжон  
НАЗАРОВ,**

Сурхондарё вилоят  
суди жиноят ишла-  
ри бўйича судлов  
хайъати судьяси

# МАЙДА БЕЗОРИЛИК: ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Статистик маълумотларга кўра судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришда энг кўп қайд этилаётган ҳолатлардан бири жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик ҳисобланади.**

Таҳлиллар майда безорилик ва безорилик жиноятларининг йил сайин ошиб бораётганини кўрсатмоқда. Республика миқёсида 2021 йилда 74 310 нафар шахсга нисбатан 53 624 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўрилган. Олдинги йилга нисбатан солиштирганда маъмурий ҳуқуқбузарлик 13 925 тага, уни содир этган шахслар сони 19 033 нафарга ошганлигини кузатиш мумкин. Худди шунингдек безорилик жинояти 2020 йилга нисбатан 754 тага, жиноят содир этган шахслар сони 1 458 нафарга ошган.

Кўрсаткичларнинг йил сайин ошиб бораётгани жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни профилактика қилиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамкорликдаги профилактик тадбирларининг етарли даражада ташкил этилмаётганидан далолат беради.

Жамоат тартибига қарши ҳуқуқбузарликлар деганда, жамиятда юриш-туриш қоидалари ва жамоат оёйишталигини таъминлаш ҳамда муносиб ҳулқ-атворда бўлишга асосланган жамоат тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик кодексига кўрсатилган ҳуқуққа хилоф, айбли ижтимоий хавфли қилмишлар тушунилади.

Бундай ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг белгиланганлиги Ўзбекистон Республикасининг қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида ўрнатилган ёки ахлоқ меъёрлари билан тартибга солинган жамиятдаги юриш-туриш қоидалари ва уларнинг бузилишига қаратилган муносабатларни маъмурий ва жиноий тажовузлардан ҳимоя қилади.

Жамоат тартибига қарши жиноятларнинг қўшимча объекти сифатида шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, хавфсизлиги ва вояга етмаган шахснинг нормал ривожланишини таъминловчи ижтимоий муносабатларни ҳам эътироф этиш мумкин<sup>1</sup>. Жамоат тартибига қарши ҳуқуқбузарликлар объекти қаторига фуқароларнинг мулкига қарши қаратилган қонунбузарликларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Негаки, майда безорилик ёки безорилик жиноятини содир этиш жараёнида бевосита фуқароларнинг мулкига ҳам шикаст етказилиши ҳолатлари кўплаб учрайди.

Майда безорилик, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз

шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг оёйишталигини бузувчи каби бошқа хатти-ҳаракатларда намоён бўлади. Бу жиноят базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади<sup>2</sup>.

Майда безорилик – жамоат тартибига қасд қилиш демак. Жамоат тартиби — жамоат жойларида ҳуқуқ нормаларини сақлашга асосланган муносабатлар бўлиб, айбдорнинг хатти-ҳаракати жамиятнинг, теварак-атрофдаги фуқароларнинг манфаатларини ошкора менсимасликдан, маданий савиясининг пастлигидан, ахлоқ-одобнинг мавжуд қоидаларини назар-писанд қилмасликдан далолат беради.

Жамоат тартиби фақатгина ҳуқуқий томондан эмас, балки бошқа ижтимоий, яъни ахлоқ, урф-одат, жамоат ташкилотларининг меъёрлари билан ҳам мустаҳкамланади. Бунда ҳуқуқий жиҳат асосий роль ўйнайди, чунки тартибни бузганлик учун юридик жавобгарликни, жазонинг тури ва даражасини шулар белгилайди.

Майда безорилик қасддан ва кўпинча ошкора амалга оширилиши билан ҳам тавсифланади. Айбдор қонунга қарши хатти-ҳаракат қилаётганини тушунади ва шунинг натижасида жамоат тартиби ҳамда фуқаролар оёйишталигининг бузилишига йўл қўяди. Майда безорилик гоҳида эгри ниятни кўзлаб амалга оширилади. Ҳуқуқбузарлик содир этиш вақти 16 ёшга тўлган шахс майда безориликнинг субъекти бўлади.

Қонун ҳужжатларида маъмурий-жиноий жавобгарлик ҳусусида сўз борганда “жамоат жойи” атмаси жуда кўп учрайди. Баъзи ҳолларда кишининг ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини англаб етиши мушкул бўлади. Бизнингча, жамоат жойи деганда барча фуқароларнинг тўсиқсиз киришлари, у ерда бўлишлари учун очик бўлган, ёхуд фуқароларнинг турли эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган жойдаги ҳудудлар, хоналар, иншоотлар, уларнинг қисмлари, шунингдек аҳолига хизмат кўрсатувчи транспорт коммуникациялари тушунилади. Жамоат жойлари таснифи эса уларнинг очик бўлиш вақти ва мезонига асосланган:

– доимий тусдаги жамоат жойлари фуқароларнинг у ерда доимий бўлиши ёки бўлиш имконияти, муайян вақтда фаолият юритиш режими белгиланмагани ва

фуқаролар доимий яшайдиган объектларининг мавжуд бўлиши билан таснифланади. Булар транспорт магистраллари, кўчалар, турар жой даҳалари, маҳаллалар, мавзелар, миттитуман ҳудудлари, аэропортлар, темир йўл, автомобиль вокзаллари ҳамда сув транспорти бекатларининг бинолари ва ҳоказо.

– вақтинча тусдаги жамоат жойлари эса фуқароларнинг вақтинча бўлиши ёки муайян вақтда фаолият юритиш режими белгилангани ва фуқаролар доимий яшайдиган объектларнинг мавжуд эмаслиги билан таснифланади. Уларга хиёбонлар, майдонлар, маданият ва истироҳат боғлари, савдо-кўнгилочар комплекслари ва марказлари, гипермаркетлар, супермаркетлар, бозорлар ҳамда фуқаролар оммавий тўпланадиган бошқа жойлар киради;

– бир марталик жамоат жойларига қишлоқ хўжалиги ёки бошқа ишлар ва тадбирларни, шу жумладан оммавий тантанали тадбирлар, диний маросимлар ўтказиладиган объектлар ҳамда шу жойдаги алоҳида ҳудудларни киритиш мумкин. Мазкур жамоат жойларида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг аксарияти майда безорилик кўринишида намоён бўлади<sup>3</sup>.

Олий суд Пленумининг “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 16-бандига кўра “Безорилик оқибатида, яъни жамиятга ва умумэътироф этилган ахлоқ қоидаларига рўй-рост ҳурматсизлик замирида содир этилган (масалан, ҳеч бир сабабсиз ёки арзимаган сабаб туфайли) қасддан одам ўлдириш” жинояти ЖКни 97-моддаси иккинчи қисмининг “л” банди билан квалификация қилиниши лозим.

Бундай ҳолда айбдорнинг феъл-атворида жамоат тартибига ошқора бўйсунмаслик, атрофдагиларга нисбатан ўзини қарши қўйиш, беписандликни намоён этиш истаги мавжуд бўлганлиги сабабли айбдорнинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 277-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

Агар жамоат тартибини қўпол равишда бузиш ва жамиятга нисбатан очикдан-очик ҳурматсизлик билдириш, шунингдек, ўзганинг мол-мулкини йўқ қилиш ёки унга шикаст етказиш билан боғлиқ ҳаракатлар айбдор томонидан безорилик оқибатида одам ўлдириш жиноятдан сўнг қасддан содир этилган бўлса, қилмиш ЖКни 97-моддаси иккинчи қисмининг “л” банди ҳамда 277-модданинг тегишли қисмлари билан квалификация қилиниши керак.

Безорилик оқибатида қасддан одам ўлдириш жиноятини ўзаро жанжал ёки уришиш оқибатида содир этилган қотилликдан (ЖКнинг 97-моддаси биринчи қисми) фарқлаш учун уруш-жанжал ташаббускори кимлигини, низо одам ўлдириш учун айбдор томонидан атайлаб уюштирилган-уюштирилмаганлигини аниқлаш лозим. Агар уруш-жанжал жабрланувчи томонидан бошланган, низога унинг ғайри-ҳуқуқий хулқ-атвори сабаб бўлган бўлса, айбдор безорилик оқибатида одам ўлдириш жинояти учун жавобгар

бўлмайди,<sup>4</sup> – деб кўрсатиб ўтилганлигидан шу нарса маълум бўладики, маъмурий ҳуқуқбузарликни вужудга келтирган ҳолат бўйича ҳақиқий вазиятни фақатгина суд тергови жараёнида тўпланган далилларга асосланиб, уруш-жанжал ким томонидан бошланганлиги, низога жабрланувчининг ғайри-ҳуқуқий хатти-ҳаракати сабаб бўлган ёки бўлмаганлигига аниқлик киритмасдан туриб, иш ҳужжати бўйича қонуний қарор қабул қилишнинг имкони йўқ.

Шу каби амалиётда учраётган ҳолатлар майда безорилик маъмурий ҳуқуқбузарлиги тушунчасини кенгрок талқин қилиш ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддасига тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишни тақозо этмоқда.

Суд амалиётида бир шахс томонидан йил давомида майда безорилик ҳуқуқбузарлигини такрор содир этиш ҳолатлари қайд этилаётгани маълум бўлмоқда. Қонунчилигимизда, мазкур ҳуқуқбузарликни такрор содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилмаган. Шу боис МЖТКнинг 183-моддаси 1-қисмини, “майда безорилик, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўқиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, башарти, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланганидан кейин содир этилган бўлса”, – деб таҳрир қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, амалдаги ЖКнинг 277-моддаси 1-қисмида назарда тутилган “қасддан баданга энгил шикаст етказиш билан боғлиқ безорилик” қисман декриминализация қилиниб, МЖТКнинг 183-моддаси 2-қисми билан тўлдирилиб, “Майда безорилик ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёки нобуд қилиш ёхуд баданга энгил шикаст етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса”, – деб белгилаш таклиф этилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда маъмурий жавобгарлик меъёрлари қайта кўриб чиқилиши ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда профилактик тадбирларнинг самарали олиб борилиши жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларнинг камайишига хизмат қилади.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи Махсус қисм. Дарслик. Ш.Т.Икрамов. Тошкент-2014 й, 714-715 бетлар.
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази. Тошкент-2021.
3. Сайт разработан в ООО “NORMA”, 02.04.2020 й.
4. Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сонли қарори, Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги 17-сонли, 2016 йил 27 декабрдаги 29-сонли ва 2018 йил 19 майдаги 16-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан.



Ирина ХАКИМОВА,

судья Ташкентского городского суда, независимый соискатель Высшей школы судей

## ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ ЭЛЕКТРОННОЙ КОММЕРЦИИ И ЕЁ РАЗВИТИЕ В УЗБЕКИСТАНЕ

**Внедрение информационных технологий в экономику является одной из главных задач, проводимых реформ в сфере предпринимательской деятельности в Республике Узбекистан.**

Постановление Президента Республики Узбекистан от 14 мая 2018 года № ПП-3724 “О мерах по ускоренному развитию электронной коммерции”, которое упорядочило не только правила ведения деятельности в данной сфере, но и определило меры по последовательному развитию электронной коммерции. Так, в Узбекистане, если объем продаж в сфере электронной коммерции в 2018-м составил 41 млрд. сум, то в 2019 году этот показатель достиг 275 млрд. сум, а по итогам 2020 года превысил 1,1 трл. сум. Растет и конкуренция на рынке: в 2019 году число субъектов электронной коммерции не превышало 150, а в 2020 году оно выросло в более чем два раза (320 единиц) и в три раза – по итогам первого полугодия 2021 года (475 единиц)<sup>1</sup>.

В мире в последнее десятилетие широко используются платформы электронной коммерции, таких как Amazon и eBay, которые способствовали значительному росту онлайн торговли. В 2007г. на электронную коммерцию приходилось 5,1%, а в 2021 году - уже 16,0%<sup>2</sup>.

Понятия “электронная коммерция”, “электронная торговля” и “электронный бизнес” часто используются взаимозаменяемо и считаются синонимами. Так, Американский экономист Дэвид Козье считает, что электронная коммерция и электронная торговля имеют одинаковое значение. Л.С.Климченя дает определение электронной коммерции как составной части электронного бизнеса, а электронную торговлю описывает как составляющую часть электронной коммерции<sup>3</sup>.

По мнению Н.Н.Шаховалова, электронный бизнес – это любая деловая активность, использующая возможности глобальных информационных сетей для преобразования внутренних и внешних связей с целью создания прибыли. Электронная коммерция является важнейшим составным элементом электронного бизнеса. Под электронной коммерцией (e-commerce) подразумеваются любые формы деловых сделок, при которых взаимодействие сторон осуществляется электронным способом вместо физического обмена или непосредственного физического контакта, и в результате, которого право собственности или право пользования товаром или услугой передается от одного лица другому<sup>4</sup>.

Присоединяясь к мнениям Мэт Хэйг<sup>5</sup> и Ю.С.Кубкиной<sup>6</sup> полагаем, что электронная коммерция – это любые формы деловых сделок, которые проводятся с помощью Интернета и считается составной частью электронного бизнеса.

Согласно статьи 3 Закона Республики Узбекистан от 22 мая 2015г. “Об электронной коммерции” электронной

коммерцией является купля-продажа товаров (работ, услуг), осуществляемая в соответствии с договором, заключаемым с использованием информационных систем.

Электронная коммерция – это покупка и продажа товаров и услуг или передача средств, или данных по электронной сети, прежде всего по Интернету. Эти бизнес транзакции происходят либо как бизнес-бизнес (B2B), бизнес-потребитель (B2C), потребитель-потребитель или потребитель-бизнес.

Электронная коммерция B2B относится к электронному обмену продуктами, услугами или информацией между предприятиями, а не между предприятиями и потребителями. Примеры включают онлайн-каталоги и веб-сайты по обмену продуктами и материалами, которые позволяют предприятиям искать продукты, услуги и информацию и инициировать транзакции через интерфейсы электронных закупок<sup>7</sup>.

Бизнес-потребитель (B2C) – это розничная часть электронной коммерции в Интернете. Это когда предприятия продают товары, услуги или информацию напрямую потребителям. Этот термин был популярен во время бума доткомов в конце 1990-х, когда интернет-магазины и продавцы товаров были новинкой. Сегодня в Интернете существует бесчисленное множество виртуальных магазинов и торговых центров, продающих все виды потребительских товаров. Наиболее известным примером таких сайтов является Amazon, который доминирует на рынке B2C.

Потребитель-потребителю (C2C) – это тип электронной коммерции, в котором потребители обмениваются продуктами, услугами и информацией друг с другом в Интернете. Эти транзакции обычно проводятся через третью сторону, которая предоставляет онлайн-платформу, на которой выполняются транзакции. Онлайн-аукционы и тематическая реклама – два примера платформ C2C, причем eBay и Craigslist – две самые популярные из этих платформ. Поскольку eBay – это бизнес, эту форму электронной коммерции также можно назвать C2B2C – потребитель-бизнес-потребитель.

Потребитель-бизнес (C2B) – это тип электронной коммерции, в котором потребители делают свои продукты и услуги доступными в Интернете для компаний, чтобы они могли делать ставки и покупать. Это противоположность традиционной коммерческой модели B2C. Популярным примером платформы C2B является рынок, на котором продаются бесплатные фотографии, изображения, медиа и элементы дизайна, такие как iStock. Другим примером может быть доска объявлений.



